

Абу Муҳаммад Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Омир ибн Шарафиддин
Шибровий

عنوان البيان

وبستان الأذهان ومجموع نصائح في الحكم

الأسلوب الخامس

УНВАНУЛ БАЁН

ва бустанул азҳан ва мажмуъу насаиҳ фил ҳикам

Бешинчи услуб

(Баён манзили ва зеҳнлар бўстони ҳамда насиҳат ва ҳикматлар мажмуъаси)

Араб тилидан
Анвар Аҳмад
таржимаси

Мусахҳих
Мустафо Мансур

www.madrasa.uz кутубхонаси

Тошкент
2017

Таржима масъулияти

Шайх Абдуллоҳ Шибровийнинг “Унвонул баён ва бўстонул азҳан” (Баён манзили ва зеҳнлар бўстони) китобида муслим инсоннинг комиллик йўлидаги манзилларига таъриф берилган. Бу манзилларни таниб, саҳифадан саҳифага ичкарироқ кираётган инсон қачонлардир йўқотган нарсасини топгандай қувончга тўлади... ойсиз, юлдузсиз зимистон тун бағрида адашиб чарчаган йўлчига узоқдан “йилт” этиб бир нур кўринса, бу нур уни умид чироғи бўлиб ўзига чорламайдими, бу умид унга тетиклик, куч-қувват бағишламайдими, бу ишонч, бу қувват уни нажотга элтмайдими?!

“Унвон...” китоби билан яқиндан танишиш асносида кўнгилда шундай таассуротлар кечди. Бу бежиз эмас. Каломдаги иъжоз мақоми Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом сўзларига ҳам кўчганига ҳадиси шарифлар гувоҳ. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари Қуръони каримда *ҳикмат* дея зикр этилган. Ҳикмат “жавомеъул калим” (қисқа лафзда кўп маъноларни жамлаш) услуби орқали намоён бўлган. Бу неъмат Аллоҳнинг махбуб Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга берилган эди. Мазкур китобда айни услубга муҳаббат таъсирланиш самарасини таъминлаганига шубҳа йўқ. Негаки, китоб муаллифи Абу Муҳаммад Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Омир ибн Шарафиддин Шибровий калом, ҳадис, фикҳ, усули фикҳ илмларида етук олим бўлиши билан бирга, ўз замонасининг назмий девон тартиб берган мумтоз шоирларидан, адаб илми бўйича рисоалар битган, баёнда мазмун ва шакл уйғунлигини ҳис қилиш малакасига эга инсонлардан эди. Бу имтиёз “жавомеъул калим” услубини ўзлаштиришга имкон берган. Муаллиф мўъжаз жумлада инсоннинг ўзи билан ўзи ва атрофдагилар билан муносабатидаги нозик нуқталарни бўрттириб, заррабин остида кўрсатар экан, бу сирли жозиба ўқувчини ўзига тортади, қўйиб юбормайди, мутоаладан узилолмайсиз...

Табиийки, бу тавсифлар арабча матнни ўқиш давомида олинган таассуротларга хос. Аслиятдаги мазмун, руҳ, кайфият ўзбекча таржимада қанчалик акс этганини эса аввало, соҳа мутахассислари, қолаверса, зукко ўқувчилар баҳолайди. Лекин шу ўринда таржима жараёни билан боғлиқ айрим фикрларни айтишга эҳтиёж сезиляпти.

Маълумки, Исломнинг бош манбаи муқаддас Қуръони карим араб тилида нозил бўлган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам араб тилида гапирганлар. Араб тили мукамалликда тенгсиз эканига шак йўқ. Бу тил асрлар давомида шу даражада такомиллашган асосга эга бўлдики, илоҳий ҳикмат натижаси ўлароқ, лисоний тизимдаги энг кичик ўзгаришгача ҳар бир ҳолат учун муайян қонуният, аниқ қоида ишлаб чиқилди. Араб тилида қоидага бўйинсунмайдиган ҳолат йўқ. Ҳар бир ўзгаришнинг асоси, тегишли изоҳи бор. Аслида, араб тилини ўрганишнинг қийинлиги, балки осонлиги ҳам шунда.

Арабий матнни ўзга тилга ўгираётган таржимон, аввало ўша қонуниятлардан хабардор бўлиши талаб этилади. Жумладаги ҳар бир сўзнинг луғавий маъносини билиш матн мазмуни ҳали тўла англанди, дегани эмас. Асар ва унинг муаллифи ҳақида бутун тасаввур ҳосил бўлмагунча таржиманинг тўғрилиги иштибоҳли бўлади. Шунинг учун ҳам бир сатр, жумла, абзацни ўқиб чиқиш билан кифояланмасдан, бир нечта абзац, балки бутун бошли бўлимни ўқиб, тушунгандан сўнггина таржимага уриниш ишончлироқ йўлдир. Чунки матн руҳи қисмда эмас, бутунда акс этади. Матн руҳи англанса, сўзларни ўрни-ўрнига қўйиш осонлашади. Акс ҳолда, мазмун талаб қилган сўзнинг бошқа муқобили танланиб, маъно хиралашади.

Бу вазиятда бошқа оғриқли нуқта ҳам бор. Таржимон арабий матнни бутун нозикликлари билан тушуниб, ҳис қилиб, мазмунни она тилида у даражада бера олмаса-чи?! Табиийки, бу ҳолатда, ўз тили тарихи, табиатини билмаслик, ҳис қилмаслик Яратувчи томонидан ҳар бир миллатга берилган она тилини камситишга ҳужжат бўлолмайди, албатта. Шундай экан, айб таржима қилинаётган тилда эмас, таржимонда! Таржимон она тилини таржима қилаётган тилдан кам билмаслиги керак. Шундагина ўзи таржима қилаётган

матннинг муаллифи ва таржимага мухтож ўқувчиларнинг ҳаққини адо қилган бўлади. Мисол учун, фикрини олий макомда, фасоҳат ва балоғат билан, “жавомиъул калим” услубида араб тилида изҳор қилаётган донишмандлардан бири айтиши фикрни ўзбек тилида нима учун нўноқ ифодаланиши керак?! Йўқ, бу хато на донишманднинг, на ўзбек тилининг, балки таржимоннинг чекига тушади.

Энди “Унвон...” китобининг таржимаси ҳақида икки оғиз сўз. Китоб анъанавий ҳамд, наът, муқаддима, мавзуга кўра ажратилган етти бўлим ва хотимадан таркиб топган. Таржимада арабий матн шартли бўлакларга тақсимланиб, ҳар бўлакдан сўнг матн таржимаси бериб борилди. Айрим сўз ва жумлалар қавс ичида изоҳланди. Матн мазмуни ва руҳини ўзбек тилида имкон қадар сақлашга ҳаракат қилинди. Лекин бу жиҳат арабча матнни наҳв қоидаларига мувофиқ сўзма-сўз таркиб қилишда ҳалал бериши мумкин. Негаки, сўзма-сўз таркиб оғзаки таҳсилга асосланган. Шунингдек, бу ўринда оғзаки нутқ билан ёзма нутқ орасидаги кескин тафовутни ҳам ҳисобга олиш зарур. Оғзаки нутқда устоз шогирд билан бевосита алоқада бўлади, ёзма нутқда эса бунинг иложи йўқ. Шунинг учун ушбу таржимада кўпроқ эътибор мазмунни етказишга қаратилди, шаклни танлашда эса изоҳга ҳожат сезмайдиган ҳолат ихтиёр қилинди.

Таржима мукаммал бўлди, деган даъводан йироқмиз. Маъно равшан чиқмаган ўринлар учради. Бу бир томондан, араб тилини яхши билмаслигимизнинг, бошқа томондан, она тилида нўноқлигимизнинг оқибати. Қолаверса, эътиқодий маданиятимиз билан боғлиқ бундай ишлар тўла маънода бирдамлик, ҳамкорлик бўлсагина, мукаммал амалга ошади. Устозлар ва ўқувчиларнинг хайрли дуоларига ҳамиша мухтожмиз.

Таржимондан

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الأسلوب الخامس في الحذر مما يورث الضرر

Бешинчи услуб Зарарни келтириб чиқарадиган нарсалар ҳақида

قَالَ حَكِيمٌ: الْعَاقِلُ إِذَا قَدَّمَ لَطَوَارِقِهِ حَذَرَ حِذَرَ الْمُتَيَقِّظِ وَتَلَقَّاهَا بَعْدَ الْمُتَحَفِّظِ وَرَدَّ بَادِرَتَهَا بِعَزْمٍ ذِي حَزْمٍ قَدْ جَلَبَ أَشْطَرَ دَهْرِهِ وَقَامَ بِوَاضِحٍ عُذْرِهِ ثُمَّ هُوَ بَعْدَ حِذْرِهِ مُسْتَسْلِمٌ لِقَضَاءٍ لَا يُرَدُّ وَقَدَرٍ لَا يُصَدُّ مُسْتَظْهِرٌ لِنَفْسِهِ وَمُعْتَبِرٌ بِأَمْسِهِ.

Донишмандлардан бири айтди: "Оқил кишига тўсатдан бирон-бир бахтсизлик етиб қолса, зийрак ва зукко кишилардек ўзини эҳтиёт қилади. (Имоми Молик "Муватто" ларида "طَوَارِقُ" луғати билан келган ҳадисни келтирадилар:

{أَعُوذُ بِكَ مِنْ طَوَارِقِ اللَّيْلِ إِلَّا طَارِقًا يَطْرُقُ بِخَيْرٍ}

"Аллоҳ мен сендан кечаси содир бўладиган воқеа-ҳодисалардан паноҳ сўрайман, фақат яхшилик билан эшик тақиллатувчи бундан мустасно").

Бу каби ишларга ўзини доим асраб юрадиган кишилардек киришади. Унинг илк аломатлари юзага чиққанда дарҳол фаҳмлаб, уддабуронлар каби қайтаради. (Энг муҳими у, дунёнинг аччиқ-ширинини татиган кишидир). Сўнг узр-маъзурини очикчасига айтади. Ўзини шунча асраб-авайласа ҳам, Аллоҳнинг қайтариб ва тўсиб бўлмайдиган қазою қадарига таслим бўлади. Аллоҳдан ёрдам сўраб, ўтиб кетган кунлари борасида диққат-эътиборли бўлади".

وقال عثمان رضي الله تعالى عنه: يَكْفِيكَ مِنَ الْحَاسِدِ أَنَّهُ يَغْتَمُّ وَقْتَ سُورِكَ

Усмон розияллоҳу анҳу айтдилар: "Шодлик пайтингда ғам чекувчи киши ҳасадчи эканига кифоя қилади."

وقال يزيد بن المهلب: أَكْثَرُوا مِنَ الْمَحَامِدِ فَإِنَّ الْمَذَامَ قَلَّ مَنْ يَنْجُو مِنْهَا

Язийд ибн Михлаб деди: "Сизлар мақтовга сазовор ишларни кўпайтиринглар. Чунки ёмонланадиган киши қутилиб қолиши жуда нодирдир".

وقال أبو مسلم الخراساني: مَا تَأَهَّ إِلَّا وَضِيعٌ وَلَا فَاحِرٌ إِلَّا لَقِيطٌ وَلَا تَعْصَبُ إِلَّا دَخِيلٌ

Абу Муслим Хурасоний деди: "Пасткаш кишигина адашади, назар-писанд қилинмайдиган кишигина фахрланади ва келгинди кишигина жамоатига таассуб қилади".

إِيَّاكَ وَالْإِفْرَاطَ الْمُمِلَّ وَالتَّفْرِيطَ الْمُخِلَّ

(Атрофингдагиларни) ортикча зериктириб ва ишларингни бузиб кўядиган даражадаги бепарволикдан ўзингни сақлагин.

مِنْ دَلَائِلِ الْعَجْزِ كَثْرَةُ الْإِحَالَةِ عَلَى الْأَقْدَارِ

Кўп ҳолларда содир бўлаётган ишларни казою-қадарга рўқач қилавериш ожизликнинг далиллариридандир.

الْعَاقِلُ مَنْ يُصَدِّقُ بِالْقَضَاءِ وَيَأْخُذُ بِالْحَزْمِ

Оқил киши, казою қадарни тасдиқ этиб, эҳтиёткорликни маҳкам ушлаган кишидир.

مَنْ لَمْ يُرَبِّ مَعْرُوفَهُ فَكَأَنَّهُ لَمْ يَفْعَلْهُ

Ўзи қилган яхшиликлари тарбия бера олмаса, гўё яхшиликларини тўғри йўлга сарфламаган киши кабидир.

عَلَيْكَ بِالْجِدِّ وَإِنْ لَمْ يُسَاعِدِ الْجِدُّ

Сенга ҳатти-ҳаракатинг кўмак бермаса ҳам, тиришқоқликни лозим тут.

مَنْ عَمِلَ مَا لَا يُحِبُّ لَقِيَ مَا يَكْرَهُ

Ким ўзи яхши кўрмайдиган ишга қўл урса, ўзи ёқтирмаган нарсага дучор бўлади.

مَا أَفْبَحَ الْخُضُوعَ عِنْدَ الْحَاجَةِ وَالْتِيَّةِ عِنْدَ الْإِسْتِغْنَاءِ

Муҳтож бўлиб, бошини пастга қаратиб турмоқ ва бой-бадавлат бўлиб гурурланмоқ қандай ҳам қабохатдир.

ثَلَاثَةُ الْقَلِيلِ مِنْهَا كَثِيرٌ: الْعَدَاوَةُ وَالنَّارُ وَالْمَرَضُ

Ози ҳам кўп бўлиб туюладиган уч нарса бор: гина-адоват, олов ва касаллик.

شعر:

تعالى الله يا سلم بن عمرو
أَذَلَّ الْحِرْصُ أَعْنَاقَ الرِّجَالِ
هَبِ الدُّنْيَا تُسَاقُ إِلَيْكَ عَفْوًا
أليس مصيرُ ذلك لِلزَّوَالِ

Шеър:

Эй, Амирнинг ўғли Салим ибн Амр билгин! Аллоҳ буюкдир!
Ҳирс мард йигитларни бўйнини узиб, хор қилгандир.
Дуёни ўз ҳолига қўйгин, дунё ўзи бирдан келади,
Айтчи! Дунёнинг айланиши гуё қуёшнинг ботиши эмасми?!

تَعْيِي نَفْسِي إِلَيَّ مِنَ اللَّيَالِي
تَصَرَّفَهُنَّ حَالًا بَعْدَ حَالٍ
فَمَا لِي لَسْتُ مُشْغُولًا نَفْسِي
وَمَا لِي لَا أَخَافُ الْمَوْتَ مَا لِي

Нафсим менга кечаларда нималар қилганимни ёдида сақлаб, сўнг эслатади.
Ўша кечалар бир ҳолатдан бошқа ҳолатларга ўзгариб туриб, ўлим яқинлашганлигини ҳам ёдимга солади.

Менга не бўлдики, ўзим учун ҳам машғул эмасман?

Менга не бўлдики, ҳаттоки ўлимдан ҳам кўркмаяпмана?!

أَمَّا فِي السَّافِلِينَ لِيِ اعْتِبَارٌ وَمَا لَأَقْوَاهُ لَمْ يَخْطُرْ بِيَالِي
كَأَنِّي بِالْمَنِيِّ أَرْعَجْتَنِي وَنَعَشِي بَيْنَ أَرْبَعَةِ عَجَالٍ

Вафот этиб кетганлар учун менга бирон-бир ибрат йўкми?!

Ана шу кишилар йўлиққан нарса мени фикримга келмади?

Гўёки ўлим (ҳозир бўлиб эшикни қоқаётгандек) мени безовта қилаётгандек.

Ҳолбуки, мен товутни ичидаман-у, (менинг тўрт тарафимда елкаларига ортиб олган тўрт нафар) шошиб-пишиб кетаётган кишилар бордек.

وَحَلْفِي نِسْوَةٌ يَبْكِينَ بَعْدِي كَأَنَّ قُلُوبَهُنَّ عَلَى الْمَقَالِي
وَحَقِّكَ كُلُّ ذَا يَفْنِي سَرِيعًا وَلَا شَيْءٌ يَدُومُ مَعَ اللَّيَالِي

Менинг орқамдан аёллар юзларини ёпиб олиб, йиғлаб қолгандек.

Гўё уларнинг қалблари қозонда қовурилаётгандек.

Сенга қасам ичиб айтаманки, буларнинг бари тезда фонийликкадир.

Тунлар ўтар экан бардавом бўладиган нарса йўқдир.

خَبَرْتُ النَّاسَ قَرْنًا بَعْدَ قَرْنٍ فَلَمْ أَرَ غَيْرَ خَتَالٍ وَقَالِ
وَدُفْتُ مِرَارَةً الْأَشْيَاءَ طَرًّا فَمَا طَعَمَ أَمْرٌ مِنَ السُّؤَالِ

Мен одамларни йиллар давомида синаб кўрдим.

Сўнг уларнинг ичида алдамчи ва сергапидан бошқасини кўрмадим.

Мен турли хил таомларни энг аччиқларини татиб, билдим.

Тиламчиликдан кўра аччиқроқ нарсани топа олмадим.

وَلَمْ أَرَ فِي الْأُمُورِ أَشَدَّ وَقَعًا وَأَصْعَبَ مِنْ مُعَادَاةِ الرِّجَالِ
وَلَمْ أَرَ فِي عُيُوبِ النَّاسِ عَيْبًا كَنَقْصِ الْقَادِرِينَ عَلَى الْكَمَالِ

Баъзи ишларни бажаришга киришганимда баъзи кишиларни ана шу ишга душманлигидан қийин ва қаттиқ нарсани кўрмадим.

Комилликка қодир бўла туриб камчиликка йўл қўйгандан кўра айбдор кишини кўрмадим.

غَيْرُهُ:

فَلَا تَأْمَنَنَّ الدَّهْرَ حُرًّا ظَلَمْتَهُ فَمَا لَيْلٌ مَجْرُوحِ الْفُؤَادِ بِنَائِمٍ

Бирон кишига зулм қилиб, хотиржам юрма!

Чунки, қалби жароҳатланган кишига тунда уйку йўқдир.

وَقَالَ حَكِيمٌ: الشَّيْخُ لَا يُخَاشِنُ وَالنَّذْلُ لَا يُحَاسِنُ وَالْأَحْمَقُ لَا يُعْتَبُ وَمُسْتَحِيلُ الْوَدِّ لَا يُقَرَّبُ
وَالْقَاضِي لَا يُعَانَدُ وَالسُّلْطَانُ لَا يُرَادُّ وَالْوَالِي لَا يُخَاصِمُ وَالْأَبُ لَا يُحَاكِمُ وَصَاحِبُ الْحَقِّ لَا يُشَاتِمُ
وَالْكَذَّابُ لَا يُعَاشِرُ وَالنَّمَامُ لَا يُشَاوِرُ وَالْقَبْطِيُّ لَا يُؤَمِّنُ وَالْعَجَمِيُّ إِلَيْهِ لَا يُزَكَّنُ وَالْحَنَانُ لَا يُسْكَنُ
وَالْحَنَانُ لَا يُدْخَلُ،

Донишмандлардан бири деди: <<Қарияларга қўполлик қилинмайди, пасткашга гўзал муомалада бўлинмайди, аҳмоқни қойилмайди, дўстлигида ғайрати йўқни яқинлаштирилмайди, қози чиқарган ҳукмга қарши чиқилмайди, шоҳга эътироз билдирилмайди, ҳоким билан талашиб-тортишилмайди, ота билан ўзаро судлашилмайди, ҳақдор билан сўкишилмайди, на ёлғончига, на чақимчига ишониб бўлмайди, Қибтий билан маслаҳатлашилмайди, ажамга суяниб бўлмайди, меҳмонхонани маскан тутилмайди, ароқ бор ерга қирилмайди,

وَالْمَجَالِسُ لَا تُنْقَلُ وَالْحَقِيرُ لَا يُهْمَلُ وَالْأَعَزُّ لَا يُسَاكَنُ وَالْأَحْمَقُ لَا يُقَارَنُ وَالشَّرِيرُ لَا يُكَلَّمُ،

Мажлислардаги суҳбатлар ташқарига олиб чиқилмайди. Ҳақоратланган кишини ёлғизлатиб қўйилмайди. Бўйдоқ йигит билан хилватда қолинмайди. Аҳмоқни яқин дўст деб тутилмайди. Ёвуз киши билан суҳбатлашиб ўтирилмайди.

وَالْغَائِبُ لَا يُشْتَمُ وَالْأَمْرُدُ لَا يُشَاكَلُ وَالْمُبْتَلَى لَا يُؤَاكَلُ وَالْمَارِخُ لَا يُحْرَدُ مِنْ مَقَالِهِ

وَالْكَافِرُ لَا تُؤَالِهَ وَالْعَدُوُّ لَا تُغْفَلُ عَنْهُ وَلَا تَنْمَ وَطَالِبُ الرِّزْقِ مِنْ وَجْهِهِ لَا يُلَمَّ
وَالشَّاعِرُ لَا يُعَادَى وَالْبَخِيلُ لَا يُهَادَى وَالْحَبِيبُ لَا يُجَازَى بِالْبِعَادِ،

Ўзи йўқ кишини ғийбат қилинмайди. Бесоқолга ҳамшакл бўлинмайди. Мушибатланган одам билан бирга овқат ейилмайди. Табиатида ҳазил-мутойибаси бор кишидан ғазабланилмайди. Кофирни дўст тутмагин, душмандан хотиржам бўлиб уйқуга кетиб қолмагин. Ризқини ҳалол йўллардан излаган кишини маломат қилинмайди. Шоирга душманчилик қилинмайди. Бахил билан ўзаро совға-салом улашилмайди. Дўстга нари-бери тургин деб, кўнглини оғритилмайди,

وَمَا مَضَى مِنَ الزَّمَانِ لَا يُعَادُ وَالْمَلِكُ لَا يُوَادُّ فَإِنَّ وُدَّهُ لَا يَدُومُ وَالْبَلِيدُ لَا يُشْتَغَلُ بِالْعُلُومِ،
وَالْكَسْلَانُ لَا يُنْدَبُ لِحَاجَةٍ وَالْمُعَقَّلُ لَا يُسْتَشْهَدُ وَالْأَلْكَانُ لَا يُسْتَنْشَدُ وَالْعَبْدُ لَا يُمَارَحُ وَالْجَارُ لَا
يُقَابَحُ وَالرَّفِيقُ لَا يُشَاحَحُ،

Ўтган замонлар қайтарилмайди, подшоҳ билан дўстлашилмайди, чунки, унинг дўстлиги доимий эмас, тентакни илмлар билан шуғуллантирилмайди, дангасани бирон-бир ишга чақирилмайди, ғафлатдаги кишидан гувоҳлик талаб қилинмайди, дудуқ кишига шеър айтиб бер дейилмайди. Қўл остидаги ишчилар билан ҳазил-мутойиба қилинмайди. Қўни-қўшнилар билан ёмон гаплашилмайди, ҳамсафарга бахиллик қилинмайди.

وَالسَّفِيهُ لَا يُمَارَى وَالْمُكَبِّرُ لَا يُدَارَى وَالْحَقُّودُ لَا يُصَافَى وَالْحَلِيمُ لَا يُجَافَى وَالْأَسَدُ لَا يُصَادَمُ
وَالْعَرَبِيدُ لَا يُنَادَمُ وَالْمَرْأَةُ لَا يُحْسَنُ بِهَا الظَّنُّ وَكُلُّ فَنٍّ لَا يُؤْخَذُ إِلَّا مِنْ أَهْلِ ذَلِكَ الْفَنِّ وَالْجَلِيلُ لَا
يُصَغَّرُ وَالشَّرُّ لَا يُخَيَّرُ وَالْقَبِيحُ لَا يُذَكَّرُ وَالْجَمِيلُ لَا يُنْكَرُ وَالرَّسُولُ لَا يُقْتَلُ وَالْهَدِيَّةُ مِنْ كُلِّ أَحَدٍ لَا
تُقْبَلُ وَالِدُّعَاءُ لَا يُتْرَكُ وَبِاللَّهِ الْوَاحِدِ لَا يُشْرَكَ وَالْخَلْقُ لَا تُعَامَلُ إِلَّا بِالْإِحْسَانِ فَكَمَا يَدِينُ الْفَتَى
يُدَانُ.

Нодон билан жанжаллашилмайди. Мутакаббир киши билан муросаю мадора қилинмайди. Гина-адовати бор кишига самимий муносабатда бўлинмайди. Ҳалим кишига кўпол муомала қилинмайди. Шерни рўпарасига туриб олинмайди. Хулқ-атвори бузуқ киши билан дўстлашилмайди. Аёлга ҳам

ишониб қолинмайди. Ҳар бир фан ва касб-хунарни ўз устасидан олинади. Улуғ зотга ҳурматсизлик қилинмайди. Очкўзга ихтиёр берилмайди. Жирканч ишлар эсга олинмайди. Гўзалликни инкор этиб бўлмайди. Элчини ўлдирилмайди. Совғаларни ҳар кимдан ҳам олинавермайди. Дуолар (қабул қилинмаяпти) деб тарк қилинмайди. Яккаю ягона бўлган Зот Аллоҳга ширк келтирилмайди. Халойиққа чиройли муомала қилинади. Йигит қилмишига яраша жазоланади».

وَقَالَ حَكِيمٌ: يَعِيشُ الْبَخِيلُ فِي الدُّنْيَا عَيْشَ الْفُقَرَاءِ وَيُحَاسِبُ فِي الْآخِرَةِ حِسَابَ الْأَغْنِيَاءِ.

Донишмандлардан бири айтди: «Бахил киши дунёда гўё камбағаллар каби ҳаёт кечиради, охиратда бойлар каби ҳисоб-китоб қилинади».

روضة رائقة

Яшнаган боғча

قَالَ حَكِيمٌ: أَشَقَى النَّاسِ بِالسُّلْطَانِ صَاحِبُهُ كَمَا أَنَّ أَقْرَبَ الْأَشْيَاءِ إِلَى النَّارِ أَسْرَعُهَا إِخْتِرَاقًا.

Донишмандлардан бири айтди: «Подшоҳга дўст бўлган киши инсонларнинг энг бахтсизидир. Ёниб турган оловга яқин турган нарса тез ёнувчидир».

لَا يُورِثُ الْقُرْبَ مِنَ السُّلْطَانِ إِلَّا نَفْسٌ خَائِفٌ وَجِسْمٌ مُتَعَبٌ وَدِينٌ مُنْتَلِمٌ.

Подшоҳга яқин бўлиш уч нарсага дучор қилади: қўрқоқ нафс, чарчаган тана ва айниган дин.

شعر:

وَمُعَاشِرُ السُّلْطَانِ شَبَّهُ سَفِينَةٍ فِي الْبَحْرِ تَرَعَدُ دَائِمًا مِنْ خَوْفِهِ
إِنْ أَدْخَلَتْ مِنْ مَائِهِ فِي جَوْفِهَا أَدْخَلَهَا وَمَائُهَا فِي جَوْفِهَا

Шеър:

Подшоҳ билан алоқада бўлган киши бамисоли денгиздаги кемага ўхшайдир.

Кема доим унинг тўлқинлашидан хавфсираб силкинадир.

Агар денгиз кема қорнидан сув киргизса, кема ва қорнидаги сув денгиз ичига тортиб кетур.

لَئِنْ كَانَ الْبَحْرُ كَثِيرَ الْمَاءِ فَهُوَ بَعِيدُ الْمَهْوَى.

Агарда денгизда сув кўп бўлса, сув тубига кириб бориш шунча узоқ бўлар.

مَنْ شَارَكَ السُّلْطَانَ فِي عِزِّ الدُّنْيَا شَارَكَهُ فِي ذُلِّ الْآخِرَةِ.

Кимки подшоҳга дунё азизлигида шерик бўлса, ўша одам охират хорлигида ҳам шерикдир.

إِذَا حَضَرْتَ مَجْلِسَ مَلِكٍ فَضُمَّ شَفَتَيْكَ وَغُضَّ عَيْنَيْكَ وَإِذَا حَدَّثَكَ فَأَصْغِ إِلَيْهِ وَأَقْبِلْ
بَوَجهِكَ عَلَيْهِ وَلَا تُحَدِّثْهُ بَادِيًا وَلَا تُعَدِّ لَهُ حَدِيثَكَ ثَانِيًا. وَلَا تُعْرِضْ عَنْهُ إِذَا أَكْثَرَ وَتُكْثِرْ عَلَيْهِ إِذَا
اسْتَحْبَرَ وَلَا تَصِلْ حَدِيثًا بِحَدِيثٍ وَلَا تُعَارِضْ أَحَدًا فِي تَحْدِيثٍ.

Агар подшоҳнинг мажлисида ҳозир бўлсанг, икки лабингни ёпиштириб ол ва иккала кўзингни юмгин, (яъни, ҳар-бир кўрган нарсангни ташқарига чиқиб айтма). Подшоҳ сенга гапирса, жим кулоқ сол, юзингни унга қаратиб тур, биринчи бўлиб гап бошлама, сўзингни икки бор такрорлама. Кўп гапирса ҳам, унинг сўзидан зерикканингни билдирма. Сендан хабар сўраса, сўзни сўзга улаб чўзиб юбормагин. Гапларингда бирон-бир кишига қарши эканлигингни ҳам айтма.

رُضْ نَفْسَكَ فِي طَاعَةِ سُلْطَانِكَ وَاحْفَظْ نَفْسَكَ مِنْ عَشْرَةِ لِسَانِكَ وَاجْعَلْ لِدِينِكَ مِنْ دُنْيَاكَ
نَصِيْبًا وَأَقِمْ مِنْ نَفْسِكَ لِنَفْسِكَ رَقِيْبًا.

Султонингни амру-фармонларига ўзингни бир тайёрлаб ол. Тилинг тойилишидан ўзингни асра. Дининг учун дунёингдан насиба ол. Ўзингни ўзинг тергаб туриши учун бир кузатувчини тайёрлаб қўй,

وَصَيِّرْ لِكُلِّ جَارِحَةٍ مِنْ جَوَارِحِكَ زِمَامًا وَلِكُلِّ حَرَكَةٍ مِنَ الْحَزْمِ لِحَامًا.

Ҳар-бир аъзоларингни боғлаб қўйиш учун арқон тайёрлаб қўй. Ҳар бир ҳаракатинг учун эҳтиёткорликни жилов қилиб ол.

قَالَ حَكِيمٌ: أَظْلَمَ النَّاسُ لِنَفْسِهِ اللَّئِيمِ، إِذَا ارْتَفَعَ جَفَا أَقَارِبُهُ وَأُنْكَرَ مَعَارِفُهُ وَاسْتَخَفَّ بِالْأَشْرَافِ وَتَكَبَّرَ عَلَى ذَوِي الْفَضْلِ.

Донишмандлардан бири айтди: «Одамларнинг ичида ўз нафсига энг кўп зулм қиладиган киши шундай бир пасткашки, агар юқори мавқеъга кўтарилса яқинларига озор беради, таниган кишиларини инкор қилади, улуғ кишиларни менсимайди ва фазилат эгаларига такаббуруна муомала қилади».

قِيلَ لِمَلِكٍ بَعْدَ ذَهَابِ مُلْكِهِ: مَا الَّذِي أَذْهَبَ مُلْكَكَ؟ قَالَ: ثِقَّتِي بِدَوْلَتِي وَاسْتِبْدَادِي بِمَعْرِفَتِي وَإِعْغَالِي عَنِ اسْتِشَارَتِي وَإِعْجَابِي بِشِدَّتِي وَإِضَاعَةُ الْحِيلَةِ وَفَتْ حَاجَتِي وَالتَّأَنِّي عِنْدَ احْتِيَاجِي إِلَى عَجَلَتِي.

Молу давлати қўлидан кетган подшога: "Сени мулқингни нима кетказди?" деб айтилганида, подшоҳ: "Давлатимга ишониб қолдим, фақатгина мени айтганим бўлди, маслаҳат қилишни тарк этдим, куч-қудратимга алдандим, молу давлатимни янада мустаҳкам қилишни зое қилдим ва шошилиш зарур пайтда бепарво бўлдим".

وَقَالَ يَحْيَى بْنُ خَالِدٍ: آخِرُ مَا وَجَدْتُ فِي طِرَازِ الْحِكْمِ مِنَ الْبَلَاغَةِ: الْبُخْلُ وَالْجَهْلُ مَعَ التَّوَاضُعِ خَيْرٌ مِنَ الْعِلْمِ وَالسَّخَاءِ مِنَ الْكِبَرِ فَيَا هَذَا مِنْ حَسَنَةِ غُطَّتْ عَلَى سَيِّئَتَيْنِ وَيَا هَذَا مِنْ سَيِّئَةِ غُطَّتْ عَلَى حَسَنَتَيْنِ.

Яҳё ибн Холид айтдилар: "Балоғатга тааллуқли ҳикмат намуналаридан охирги топганим шуки, бахиллик ва нодонлик хусусияти бўлган камтар киши, илм ва саховатга ошно бўлган кеккайган кишидан яхшидир. Ўзида икки ёмонликни, яъни бахиллик ва нодонликни яширган камтарлик яхшироқдир, ўзида икки яхшилик, яъни илм ва саховатни яширган такаббурликдан кўра".

كَفَى بِالتَّجَارِبِ تَأْدِيبًا وَبِتَقَلُّبِ الْأَيَّامِ عِظَةً.

Одобли бўлишга тажрибалар, ваъз насихат олишга кунларнинг (тез) ўтиб кетиши кифоядир.

مَنْ قَرَّبَ السَّفَلََةَ وَأَذْنَاهُمْ وَبَاعَدَ ذَوِي الْفَضْلِ وَأَغْضَاهُمْ اسْتَحَقَّ الْحَذْلَانَ وَاسْتَوْجَبَ الْهَوَانَ.

Ким пасткаш ва разилларга яқинлашса, фазилат эгаларидан узоқлашса ва уларга эътиборсиз бўлса, ўша одам ёрдамсиз ташлаб қўйишликка лойиқ ва хорликка маҳкумдир.

مَنْ مَنَعَ الْمَالَ مَنْ يَحْمَدُهُ وَرَثَهُ مَنْ لَا يَحْمَدُهُ.

Ким мол-дунёсини, уни қадрлаётган кишилардан қизганса, ўша одамнинг мол-дунёси уни эъзозламайдиган кишиларга мерос бўлиб қолади.

وَقَالَ حَكِيمٌ: مَا أَحْوَجَ ذَا الْقُدْرَةِ إِلَى دِينٍ يَحْجُزُهُ وَحَيَاءٍ يَكُفُّهُ وَعَقْلٍ يُعَدِّلُهُ وَتَجَرِبَةٍ طَوِيلَةٍ وَعَبَرٍ مَحْفُوظَةٍ وَأَعْرَاقٍ تَسْرِي إِلَيْهِ وَأَخْلَاقٍ تُسَهِّلُ الْأُمُورَ عَلَيْهِ وَجَلِيسٍ رَفِيقٍ وَرَأْسٍ شَفِيقٍ وَعَيْنٍ تُبْصِرُ الْعَوَاقِبَ وَفَكْرٍ تُنَالُ بِهَا الْمَرَاتِبُ.

Қудратли киши, ёмонликлардан тўсиб турадиган динга, тўхтатиб турадиган ҳаёга, мўътадил қилиб турадиган ақлга, кўп тажрибага, ёдида сақлаб қолган ибратли воқеаларга, ота-боболарининг изидан бориб, эзгулик қилишга, ишларини енгиллаштирадиган гўзал хулққа, меҳрибон дўстга, шафқатли раҳбарга, ишларнинг оқибатини кўра оладиган кўзга ва мартабаларга кўтариб қўядиган фикрга доим мухтож бўлади.

مَنْ لَمْ يَعْرِفْ ظَفَرَ الْأَيَّامِ لَمْ يَحْتَرِزْ مِنْ سَطَوَاتِهَا وَلَمْ يَتَحَقَّقْ مِنْ آفَاتِهَا وَلَمْ يَتَعَاطَمْهُ ذَنْبٌ وَإِنْ عَظُمَ.

Ким кунлар уни устидан ғолиб эканини билмаса, ўша одам кунларнинг ҳужумидан сақланмабди ва кунларнинг бало-офатларидан ҳам ўзини асрай олмабди. Натижада, катта гуноҳларни ҳам кичкина деб билибди.

مَنْ أَعْرَضَ عَنِ الْحَذَرِ وَالْإِخْتِرَاسِ وَبَنَى أَمْرَهُ عَلَى غَيْرِ أَسَاسٍ زَالَ عَنْهُ الْعِزُّ وَاسْتَوَلَى عَلَيْهِ الْعَجْزُ.

Ким огоҳ бўлиш ва сақланишдан юз ўгирса ва ишларини асоссиз бажарса, ўша одамдан куч-қудрат кетиб, ожизлик унга эгалик қилиб олади.

قال حكيم: إذا رأيتَ مِنْ جَلِيسِكَ أَمْرًا تَكْرَهُهُ أَوْ صَدَرَتْ مِنْهُ كَلِمَةٌ عَوْرَةٌ فَلَا تَقْطَعْ حَبْلَهُ وَلَا تَصْرِمْ وَدَّهُ وَلَكِنْ دَاوِ كَلِمَتَهُ واسْتُرْ عَوْرَتَهُ وَأَبْقِهِ وَتَبَرَّأْ مِنْ عَمَلِهِ. قَالَ اللَّهُ سُبْحَانَهُ تَعَالَى: {فَإِنْ عَصَوْكَ فَقُلْ إِنِّي بَرِيءٌ مِمَّا تَعْمَلُونَ}. وَلَمْ يَأْمُرْ بِقَطْعِهِمْ وَإِنَّمَا أَمَرَ بِالْبَرَاءَةِ مِنْ عَمَلِهِمْ.

Донишмандлардан бири айтди: "Агар яқин дўстингда ёмон кўрадиган бирор ишни кўриб қолсанг ёки дўстингдан ҳаёсиз сўзлар содир бўлса, дарров дўстлик арқонини кесиб, муносабатларни узиб юборма. Лекин сўзларини тўғрилаб қўй, айбларини яширгин, дўст қилиб қолдир ва уни ишларидан ўзингни оқлаб ол!"

Аллоҳ таоло бу ҳақда: **"Бас, агар улар сенга исён қилсалар: "Мен сиз қилаётган амаллардан безорман", дегин",** деб айтган.

(Шуаро сураси, 216-оят) .

Аллоҳ ушбу оятда улардан алоқани узишликни буюрмади, балки уларнинг амалидан ўзини йироқ қилиб олишга буюрди.

شعر:

إِذَا رَأَيْتَ مَنِّي مَفْصِلًا فَقَطِّعْهُ بَقِيتُ وَمَا فِي الْجِسْمِ مِنِّي مَفْصِلٌ
وَلَكِنْ أَدَاوِيهِ فَإِنْ صَحَّ سَرِّي وَإِنْ هُوَ أَعْيَانِي فَلِلْعُذْرِ حَمَلٌ

Агар бирор аъзоим мени безовта қилаверса, мен уни кесаверсам, танам аъзосиз қолади-ку,

Лекин мен уни даволайман. Агар шифо топса, хурсандман. Агар шифо топмай мени ҳолдан тойдирса, узр-маъзур айтишга менда асос бор.

(Аъзоларим безовта қилиб, мен уни кесаверсам,

Танамда бирон-бир аъзосиз қолаверсам,
 Ё-ў-ў-қ, балки мен уни даволашга киришсам,
 Бас, шифо топадимми ёқми, мен фақатгина шифокор бўлсам).

خَيْرُ الْمُلُوكِ مَنْ كَفَى وَكَفَى، وَعَفَا وَعَفَى

Эл-юрт учун қайғурадиган, хавф-хатардан ҳимоя қиладиган ва кечиримли бўлиб, ўзи ифбатли бўлган киши подшоҳларнинг яхшисидир.

لِلرَّعِيَّةِ الْمَنَامُ وَعَلَى الْمَلِكِ الْقِيَامُ

Халқ учун ухлаш - подшоҳ учун сергаклик лозим.

ضَاعَ مَنْ نَامَ حُرَّاسُهُ وَسَقَطَ مَا ضَعُفَ أَساسُهُ.

Кимни кўриқчиси ухлаб қолса, ўша одам ҳалок бўлибди. Пойдевори заиф уй тезда кулайди.

لَا سُلْطَانَ إِلَّا بِرِجَالٍ وَلَا رِجَالَ إِلَّا بِمَالٍ وَلَا مَالَ إِلَّا بِعِمَارَةٍ وَلَا عِمَارَةَ إِلَّا بِعَدْلٍ

Мард кишигина султон бўла олади. Киши моли билан мард бўлади. Бунёдкорликка ишлатса у ҳақиқий мол бўлади. Гуллаб яшнашлик адолат билан бўлади.

وَصَفَ بَعْضُ الشُّعْرَاءِ وُلَاةَ بَنِي مَرْوَانَ فَقَالَ:

وَأَفْنَيْتُمْ أَيَّامَكُمْ بِمَالٍ	شعر: إِذَا مَا قَضَيْتُمْ لَيْلَكُمْ بِمَنَامِكُمْ
وَمَنْ ذَا الَّذِي يَلْقَاكُمْ بِسَلَامٍ	فَمَنْ ذَا الَّذِي يَخْشَاكُمْ وَقْتَ ظِلْمَةٍ
بَلِّغُوا غُلَامٍ أَوْ بِشْرٍ مُدَامٍ	رَضِيْتُمْ مِنَ الدُّنْيَا بِأَيْسَرِ بُلْغَةٍ
بِمَدْحٍ كِرَامٍ أَوْ بِذَمٍّ لِنَامٍ	أَلَمْ تَعْلَمُوا أَنَّ الزَّمَانَ مُوَكَّلٌ

Шоирлардан бири Бани Марвон ҳокимларини таърифлаб шундай деди:
 Шеър:

Қачон сизлар тунларингизни уйқу билан ва кунларингизни маломат билан ўтказадиган бўлсангиз,

Бас, зулумотда сизлардан ким қўрқади, сизларни салом билан ким қарши олади?

Сизлар дунёдан озгина лукма, болаларни ўпиш ва шароб ичишликкагина рози бўлсангиз,

Албатта замон, улуғ кишиларни мақташга ёки пасткаш кишиларни айблашга вакил қилинганини билмайсизми?!

وَقَالَ بُزْرَجْمَهْرُ: نَصَحَنِي النَّصَحَاءُ وَوَعَّظَنِي الْوُعَظَاءُ فَلَمْ يَعِظْنِي مِثْلُ شَيْبَتِي وَلَمْ يَنْصَحْنِي مِثْلُ فِكْرَتِي وَعَادَتْنِي الْأَعْدَاءُ فَلَمْ أَرِ أَعْدَى إِلَيَّ مِنْ نَفْسِي إِذَا جَهَلْتُ.

Бузружмехр деди:

(Форс ўлкасининг одил подшоҳи Анушервон бўлиб, Бузружмехр эса, унинг доно вазири бўлган).

"Менга насихатгўйлар насихат қилдилар ва даъватчилар ваъз қилдилар. Лекин қариб қолганимчалик ва фикримчалик бирор нарса менга панду насихат бера олмади. Менга душманлар душманчилик қилдилар. Агар нодонлик қилиб қўйсам, нафсимдан-да душманроғини кўрмадим.

وَرَهْمَتْنِي الْمَضَائِقُ فَلَمْ يَزْهَمْنِي مِثْلُ سُوءِ الْخُلُقِ وَوَقَعْتُ مِنْ أَبْعَدِ الْبُعْدِ وَأَطُولِ الطُّولِ فَلَمْ أَقَعْ مِنْ شَيْءٍ أَضَرَّ عَلَيَّ مِنْ لِسَانِي وَمَشَيْتُ عَلَى الْجَمْرِ وَوَطِئْتُ عَلَى الرَّمْضَاءِ فَلَمْ أَرِ نَارًا أَحَرَّ عَلَيَّ مِنْ غَضَبِي إِذَا تَمَكَّنَ مِنِّي.

Тор ва зич кўчалар мени сиқиб ташлади аммо ёмон хулқчалик қаттиқ сиқмади. Энг узоқ ва энг баланд чўққилардан қуладим аммо тилим мени кулатганчалик бирор жойдан қуламадим. Чўғ устида юрдим, қизиган қумни босдим аммо ғазабим менга эгалик қилиб олса, ғазабимдан-да кўра иссиқроқ оловни кўрмадим.

وَالْتَمَسْتُ الرَّاحَةَ لِنَفْسِي فَلَمْ أَجِدْ لَهَا أَرْوَاحَ مَنْ تَرَكَ مَا لَا يَغْنِيهَا وَرَكِبْتُ الْبَحَارَ وَرَأَيْتُ الْأَهْوَالَ فَلَمْ أَرِ أَهْوَالَ مِنَ الْوُقُوفِ عَلَى السُّلْطَانِ الْجَائِرِ وَتَوَحَّشْتُ فِي الْبَرِّيَّةِ وَالْجِبَالِ فَلَمْ أَرِ أَوْحَشَ مِنَ الْقَرِينِ السُّوءِ وَعَالَجْتُ السِّبَاعَ وَالذِّئَابَ وَعَاشَرْتُهَا وَغَالَبْتُهَا فَعَلَبْتُهَا وَغَلَبَنِي صَاحِبُ الْخُلُقِ السُّوءِ وَأَكَلْتُ الطَّيِّبَ وَشَرِبْتُ الشَّرَابَ وَعَانَقْتُ الْحَسَانَ فَلَمْ أَرِ أَلَدَّ مِنَ الْعَافِيَةِ وَالْأَمْنِ.

Роҳат ва фароғатни изладим. Билдимки, беҳудаликни тарк этишлик ниҳоятда роҳатлироқ экан. Денгизларда бўлдим ва даҳшатларни кўрдим. Билдимки, золим подшоҳнинг олдида туришлик даҳшатлироқ экан. Ёмон дўст билан ёлғиз қолганимдан , тоғу тошлар орасида ва бепоён чўлда ёлғиз қолганим яхши. Мен йиртқич ва ваҳший ҳайвонларни даволадим ва улар билан бирга яшадим ва улар билан курашиб, уларни устидан ғолиб чиқдим. Лекин ёмон хулқ эгаси мендан ғолиб чиқди. Мен мазали ва сара таомларни едим, шаробларни ҳам ичиб кўрдим ва гўзаллар билан кучоқлашдим ҳам сўнг билдимки, офият, саломатлик, тинчлик ва хотиржамлик лаззатлироқ экан.

وَأَكَلْتُ الصِّبْرَ وَشَرِبْتُ الْمُرَّ فَلَمْ أَرْ أَمْرًا مِنَ الْفَقْرِ وَشَهِدْتُ الرُّحُوفَ وَلَقِيتُ الْحُتُوفَ وَبَاشَرْتُ
السُّيُوفَ وَصَارَعْتُ الْأَقْرَانَ فَلَمْ أَرْ قَرِينًا أَصْعَبَ وَلَا أَغْلَبَ مِنَ الْمَرْأَةِ السُّوءِ.

Тахир барглари чайнадим, аччиқ-чучук нарсаларни ҳам ичдим. Сўнг билдимки, камбағаллик бундан-да аччиқ экан. Мен аскарлар билан бирга урушларда катнашдим, ҳалокатларга йўлиқдим, қиличбозлик қилдим ва тенгдошларим билан курашдим. Натижада хулқ-атвори ёмон хотиндан кўра қийинроқ ва ғолиб бўлувчини кўрмадим.

وَعَالَجْتُ الْحَدِيدَ وَنَقَلْتُ الصُّخُورَ فَلَمْ أَرْ حِمْلًا أَثْقَلَ مِنَ الدِّينِ. وَنَظَرْتُ فِيمَا يُذِلُّ الْعَزِيزَ
وَيُكْسِرُ الْقَوِيَّ وَيَضَعُ الشَّرِيفَ فَلَمْ أَرْ أَذْلًا مِنْ ذِي حَاجَةٍ وَفَاقَةٍ.

Темирларни эритдим ва катта тошларни ҳам кўтариб кўриб қарздан кўра оғирроқ юкни кўрмадим. Азиз киши нима сабабли хор бўлиши, қуватли киши нима сабабли заиф бўлиб қолиши ҳамда обрў-шарафи бор киши нима сабабли ҳурмат қилинмаслиги ҳақида узоқ ўйлаб билдимки, буларнинг бари муҳтожлик ва қашшоқлик сабабли экан.

وَطَلَبْتُ الْغِنَا مِنْ وُجُوهِهِ فَلَمْ أَرْ أَغْنَى مِنَ الْفُنُوعِ وَتَصَدَّقْتُ بِالذَّخَائِرِ فَلَمْ أَرْ صَدَقَةً أَنْفَعَ مِنْ
رَدِّ ضَلَالَةٍ إِلَى هُدًى.

Бойликни ҳалол йўллардан изладим. Лекин қаноат энг катта бойлик эканини билдим. Ҳазинамдаги бойликларни садақа қилиб юбордим. Аммо бир кишини залолатдан ҳидоятга йўллаб қўйишлик манфаатлироқ экан.

وَشَيَّدْتُ الْبُنْيَانَ لِأَعِزِّ بِهِ وَأَشْرَفَ وَأُذْكَرَ فَلَمْ أَرْ شَرَفًا أَرْفَعَ مِنْ اصْطِنَاعِ الْمَعْرُوفِ

Одамлар эслаб юриши ва обрўли киши бўлишим учун биноларни қуриб, шуни билдимки, хайр-эҳсон ва эзгуликлар қилиш бу ишларлардан-да кўра юксакроқ экан.

وَلَيْسَتْ الْكِسْوَةُ الْفَاخِرَةَ فَلَمْ أَلْبَسْ مِثْلَ الصَّلَاحِ وَطَلَبْتُ أَحْسَنَ الْأَشْيَاءِ عِنْدَ النَّاسِ فَلَمْ أَجِدْ شَيْئًا أَحْسَنَ مِنْ حُسْنِ الْخُلُقِ، سُرَرْتُ بِعَطَايَا الْمُلُوكِ فَلَمْ أُسَرَّ بِشَيْءٍ أَكْثَرَ مِنَ الْخُلَاصِ مِنْهُمْ.

Қимматбаҳо кийимларни кийдим-у, лекин инсонни ислоҳ қилиб турадиган кийимни киймадим. Одамларни нима чинакам кўркам килишини излаб, билдимки, гўзал хулқ одамнинг кўрки экан. Подшоҳларнинг хайр-эҳсонларига хурсанд бўлдим-у, қачонки улардан халос бўлсам, хурсандлигим ичимга сиғмай кетди.

قِيلَ لِحَكِيمٍ: هَلْ تَعْرِفُ نِعْمَةً لَا يُحْسَدُ عَلَيْهَا وَبَلِيَّةٌ لَا يُرْحَمُ صَاحِبُهَا؟ قَالَ: نَعَمْ، التَّوَاضُعُ وَالْكِبَرُ.

Донишмандларнинг бирига: "Ҳасад қилинмайдиган неъмат ва бошига мусибат тушган кишига раҳм қилинмайдиган нарсани биласизми?" деб айтилганида, донишманд ҳа биламан. Улар: "Ҳасад қилинмайдиган неъмат – камтарлик. Одамнинг қалбида раҳм ҳиссини уйғотмайдиган, у кибрли кишидир", деб жавоб берди.

وَقَالَ حَكِيمٌ: مَنْ تَكَبَّرَ فَقَدْ أَخْبَرَ عَنْ مَذَلَّةِ نَفْسِهِ وَمَنْ تَوَاضَعَ فَقَدْ أَظْهَرَ كَرَمَ طَبْعِهِ.

Донишмандлардан бири айтди: "Ким такаббурлик қилаётган бўлса, нафсини разиллигидан хабар бераётган бўлади. Ким камтарлик қилаётган бўлса, табиатидаги олийжанобликни изҳор қилаётган бўлади".

لَنْ تَنَالَ مَا تُرِيدُ إِلَّا بِتَرْكِ مَا تَشْتَهِي.

(Келажакдаги) хоҳлаётган нарсаларинга, хоҳиш истакларинг тусаётган нарсани тарк этиш билан ета оласан.

لَنْ تَبْلُغَ مَا تَأْمَلُ إِلَّا بِصَبْرِكَ عَلَى مَا تَكْرَهُ

Орзу қилган нарсангга ёмон кўрган нарсаларингга сабр-бардош қилиш билан эришасан.

شعر:

مَا ابْيَضَّ وَجْهُ الْمَرْءِ فِي طَلَبِ الْعُلَا حَتَّى تَسْوَدَّ وَجْهُهُ فِي الْمَبْدَأِ

Юксакликни талаб қилаётган кишининг юзи оқариши учун, унинг юзи аввалда қорайиши керак.

مَنْ انْتَقَمَ فَقَدْ شَفَى غَيْظَهُ وَمَنْ عَفَا اسْتَحَقَّ الشُّكْرَ

Ким қасос олса, ичидаги ғазаб дардини даволабди. Ким кечириб юборса, ўша одам раҳмат эшитишга ҳақли бўлибди.

مَنْ أَخَذَ حَقَّهُ لَمْ يُذَكَّرْ لَهُ فَضْلٌ

Ким ўз ҳаққини олса, унинг фазилатлари зикр қилинмайди.

كَظُمُ الْغَيْظِ حِلْمٌ

Ғазабни ичга ютиш ҳалимликдир.

التَّشَقُّي طَرْفٌ مِنَ الْجَزَعِ

Ўч олишлик сабрсизликнинг бир қисмидир.

الْمُعَاقِبُ مُسْتَوْدَعٌ أَوْلِيَاءِ الْمُنْذِبِ عَدَاوَةً، وَالصَّافِحُ مُسْتَرْعٍ لَشُكْرِهِمْ، آمِنٌ مِنْ مُكَافَأَتِهِمْ.

Жазоловчи, жиноятчининг яқинларига адоватни кўзғатиб юборади. Кечириб юбуровчи, уларни унга ташаккур билдиришига ва уларнинг унга қарши чиқишлигидан ўз хавфсизлигини таминлабди.

لَأَنْ تُوصَفَ بِاتِّسَاعِ الصَّدْرِ خَيْرٌ مِنْ أَنْ تُوصَفَ بِضَيِّقِهِ

Кенгбағрли деб сенга таъриф берилмоғи, қалби жуда тор деб васф қилинганидан яхшироқдир.

إِقَالَتِكَ عَثَرَاتِ الْعِبَادِ، مُوجِبٌ لِإِقَالَةِ عَثَرَاتِكَ فِي الْمَعَادِ

Одамларни камчилик ва хатоларини кечириб юборсанг, охиратда сени ҳам гуноҳларинг кечирилишлигини шарт қилиб қўяди.

الزُّهْدُ قَطْعُ الْعَلَائِقِ وَهَجْرُ الْخَلَائِقِ

Зоҳидлик – гуноҳ ўринларида алоқаларни узиш ва халойиқдан четланишдир.

الدُّنْيَا سَاعَةٌ فَاجْعَلْهَا طَاعَةً

Дунё озгина муддатдир, шунинг учун унда сен тоат-ибодат қилиб ол.

شعر:

إِذَا كُنْتُ أَعْلَمُ عِلْمًا يَقِينًا بِأَنَّ جَمِيعَ حَيَاتِي كَسَاعَةٍ
فَلِمَ لَا أَكُونُ ضَمِينًا بِهَا وَأَجْعَلُهَا فِي صَلَاحٍ وَطَاعَةٍ؟

Кошки ҳаётимнинг барчаси озгина муддат эканини билсам,
Нима учун куч-қувватимни эзгулик ва ибодатга ишлатиб вақтим учун зикна бўлмай.

*Агарда мен билсам аниқ бир ишни,
Шубҳасиз, ҳаётим соат кабилигини,
Не сабаб вақтимга зикнамаслигимни,
Аслида тоатга сарфлаш керак экан қувватимни.*

التَّصَوُّفُ تَرْكُ التَّكَلُّفِ

Тасаввуф – такаллуфни тарк қилишдадир.

قِيلَ لِبَعْضِهِمْ: لِمَ لَا تَتَزَوَّجُ؟ فَقَالَ: لَوْ قَدَرْتُ أَنْ أُطْلِقَ نَفْسِي لَطَلَّقْتُهَا وَأَنْشَدَ:
شعر: تَجَرَّدَ مِنَ الدُّنْيَا فَإِنَّكَ إِيمًا نَزَلْتَ إِلَى الدُّنْيَا وَأَنْتَ مُجَرَّدُ

Бир кишига нима сабабли уйланмаяпсиз? деб айтилганида, у киши: "Агар ўз нафсимни талоқ қилиб қутулишни иложи бўлганида, талоқ қилган бўлар эдим", деб сўнгра қуйидаги шеърни битган:

Дунёда ёлғизлангин, албатта,
Ҳолбуки, дунёга келгансан ёлғиз ҳолатда.

قِيلَ لِبَعْضِ الْعِبَادِ: مَا أَصْبَرَكَ عَلَى الْوَحْدَةِ! قَالَ: أَنَا جَلِيسُ الرَّبِّ إِنْ شِئْتُ أَنْ يُنَاجِيَنِي
قَرَأْتُ كِتَابَهُ وَإِنْ شِئْتُ أَنْ أُنَاجِيَهُ صَلَّيْتُ لَهُ.

Баъзи обидларга: "Бунча ҳам сен ёлғизликка сабр-бардошлисан?!" деб айтилганида, у: "Мен Роббим билан суҳбатдошман. Агар Роббим менга муножот қилишини истасам, унинг китобини ўқийман. Агарда мен унга муножот қилишни хоҳласам, намоз ўқийман", деди.

وَقَالَ ذُو الثُّونِ الْمِصْرِي: الْإِنْسُ بِاللَّهِ نُورٌ سَاطِعٌ وَالْإِنْسُ بِالْخُلُقِ غَمٌّ وَقِيعٌ

Зуннун ал-Мисрий деди: "Аллоҳга ошно бўлиш таралган нурдир. Халойиққа улфат бўлиш, нақд ғам-ташвишдан иборатдир.

وَقَالَ الْعِتَابِي: مَا رَأَيْتُ الرَّاحَةَ إِلَّا فِي الْخُلُوةِ وَلَا الْإِنْسَ إِلَّا مَعَ الْوَحْشَةِ

Иътобий деди: "Мен билдимки, роҳат холи қолишда ва улфат ёлғизланиш бўлар экан".

الدُّنْيَا نَوْمٌ وَالْآخِرَةُ يَقْظَةٌ وَالْوَاسِطَةُ بَيْنَهُمَا الْمَوْتُ وَنَحْنُ فِي أَضْعَافِ أَحْلَامِ

Дунё уйку, охират эса уйғокликдир. Уларнинг орасидаги нарса бу ўлимдир. Бизлар эса алғов-далғов тушлар ичидамыз.

شعر:

يَا رَاقِدَ اللَّيْلِ اِنْتَبِهْ
ثِقَّةُ الْفَتَى بِزَمَانِهِ
إِنَّ الْخُطُوبَ لَهَا سُرَى
ثِقَّةُ مُحَلَّلَةِ الْعُرَى

Шеър:

Кечаларини уйқулар билан ўтказувчи, уйғонгин,
Албатта, мусибатлар кечасида бўлишлигини ҳам билиб олгин,
Замонига ишонган йигит, худди тугунни еча олишлигига ишончи бордек
кишидир.

وَقَالَ ابْنُ الْمُبَارَكِ: مَنْ جَالَ طَرْفُهُ كَثُرَ أَصْفُهُ

Абдуллоҳ ибн Муборак деди: "Кимни кўзи ўйноқи бўлиб, дуч келган
жойга назарини қаратаверса, ўша одамни афсус-надомати кўп бўлади".

مِنْ سُوءِ الْقَدَرِ التَّهَافُوتُ فِي النَّظَرِ

(Номахрамга қаратилган) назарни писанд қилмаслик қадарни
ёмонлигидандир.

مَنْ نَظَرَ بَعَيْنِ الْهَوَى حَارَ وَمَنْ حَكَمَ الْهَوَى عَلَيْهِ جَارَ

Ким ҳавойи нафс кўзи билан қараса, касодга учрабди. Кимнинг устидан
ҳавою нафс ҳукмдор бўлиб олса, ўзига жабр қилибди.

مَنْ أَطَالَ النَّظَرَ لَمْ يُدْرِكِ الْعَايَةَ وَلَيْسَ لِلنَّاطِرِ نَهَايَةٌ

Ким узоқ вақт бир нарсага қараб тураверса, мақсадига эришолмайди.
Чунки назарнинг охири йўқдир.

رُبَّمَا أَبْصَرَ الْأَعْمَى رُشْدَهُ وَأَضَلَّ الْبَصِيرُ قَصْدَهُ

Кўпинча кўзи ожиз киши ўз йўлини кўра олади. Кўзи кўрадиган кишига келсак, гарчи кўрса ҳам мақсадидан адашиб қолади.

رُبَّ حَرْبٍ حَمَيْتَ مِنْ لَفْظَةٍ وَرُبَّ حُبٍّ غَرَسَ مِنْ لَحْظَةٍ

Кўп урушлар биргина сўз туфайли аланга олади. Кўп муҳаббатлар эса, бир лаҳзада қалбларга кириб қолади.

إِذَا مَا النَّظَرُ يَكْشِفُ الْخَبَرَ وَيَنْفُضُ الْبَشَرَ وَيُطِيلُ الْمَكْتَ فِي سَقَرٍ

Бир нарсага узоқ термилиб туриш, хабарларни аниқлаштириб, инсонни шарманда қилиб, дўзахда ҳам узоқ муддат туришга олиб боради.

إِنْ حَفِظْتَ عَيْنَيْكَ حَفِظْتَ كُلَّ الْجَوَارِحِ وَإِنْ أَطْلَقْتَهُمَا أَوْقَعْتَكَ فِي الْفَضَائِحِ

Агарда икки кўзингни тийиб юрсанг, барча аъзоларингни муҳофаза қилибсан. Агар икки кўзингни аланг-жалаң қилсанг, улар туфайли шарманда бўласан.

عَلَامَةُ الْقَطِيعَةِ مِنَ الصَّدِيقِ أَنْ يُؤَخَّرَ الْجَوَابَ وَلَا يَبْتَدِي بِكِتَابٍ

Дўст билан алоқани узушликнинг аломати, сенга жавобни кечиктириши ва хатни биринчи бўлиб ёзмаслигидир.

لَا يُفْسِدُ بِكَ الظَّنُّ عَلَى الصَّدِيقِ قَدْ أَصْلَحَكَ الْيَقِينُ لَهُ

Дўстингга нисбатан бўлган кучли ишончингни унга нисбатан бўлган ёмон гумонинг бузиб юбормасин.

إِنْ كَثُرَتْ ذُنُوبُ الصَّدِيقِ ائْتَمَحَ السُّرُورُ بِهِ وَتَسَلَّطَتِ التُّهْمَةُ عَلَيْهِ

Дўстингни гуноҳ ва хатолари кўпайгани сари, унга нисбатан меҳр сўниб, айблаш ҳисси ҳукмронлик қилиб олади.

شعر:

وَمَا عَلَّقْتُ يَدِي بِصَدِيقٍ صَدَقٍ أَخَافُ عَلَيْهِ إِلَّا خِفْتُ مِنْهُ
وَمَا تَرَكَ التَّجَارِبُ لِي صَدِيقًا أَمِيلُ إِلَيْهِ إِلَّا مِلْتُ عَنْهُ

Шеър:

Дўстлигимизга путур етмасмикин деб, чин дўстимга қўлларимни боғлаб олмадим.

Агар боғласам ҳам, қўрқганимдан боғладим.

Мен самимий дўстликни истасамда, тажрибаларим хоҳламади.

Агар самимийсини топсам ҳам, ажралишликни афзал деб билдим.

مَنْ لَمْ يُقَدِّمِ الْإِمْتِحَانَ عَلَى الثِّقَةِ وَالْثِّقَةَ عَلَى الْإِنْسِ أَثْمَرَتْ مَوَدَّتُهُ نَدَمًا

Ким одамларни синамасдан олдин ва дўстларни эса текширмасдан аввал ишониб қолса, дўстлик уруғлари надомат меваларини ўстириб чиқаради.

شعر:

إِذَا شِئْتَ أَنْ تَسْتَقْرِضَ الْمَالَ مُنْفِقًا عَلَى شَهَوَاتِ النَّفْسِ فِي زَمَنِ الْعُسْرِ
فَسَلْ نَفْسَكَ الْإِقْرَاضَ مِنْ كَنْزِ صَبْرِهَا عَلَيْكَ وَأَنْظِرْهَا إِلَى زَمَنِ الْيُسْرِ
فَإِنْ فَعَلْتَ كُنْتَ الْغَيِّ وَإِنْ أَبْتَ فَكُلُّ مَنْعٍ بَعْدَهَا وَاسِعُ الْعُذْرِ

Қийинчилик пайтда нафсинг истакларига эргашиб пулдор одамдан қарз сўраганингдан кўра,

Ўша қарзни нафсингнинг сабр ҳазинасидан сўрагин!

Қўлингга пул келгунга қадар нафсинга сабрни лозим тутиб тур.

Агар нафсинг кўнса, бой бўласан.

Агар нафсинг кўнмаса, сенга қарз бермайдиган кишиларни айбламагин.

نُصَحُ الْمُحِبِّ تَأْدِيبٌ وَنُصَحُ الْعَدُوِّ تَأْنِيبٌ

Дўстнинг насиҳати одоб беришдир. Душманнинг насиҳати эса, ҳақоратлашдир.

ظَاهِرُ الْعِتَابِ خَيْرٌ مِنْ بَاطِنِ الْحَقْدِ

Очикдан-очик койиш, яширилган гина-адоватдан яхшироқдир.

(Дўст ачитиб гапиради, душман-кулдириб)

مَا حُمِيَ الْوُدُّ بِمِثْلِ الْعِتَابِ

Дўстликни койиш каби бошқа бирор нарса ҳимоя қила олмайди.

الصَّدَاقَةُ حِفْظُ الْغَيْبِ

Ҳақиқий дўстлик, у йўқлигида ҳам уни ҳимоя қилишдир.

مَنْ أَكْثَرَ النَّوْمَ لَمْ يَجِدْ فِي عُمْرِهِ بَرَكََةً وَمَنْ أَكْثَرَ الْأَكْلَ لَمْ يَجِدْ لَذَّةَ الْعِبَادَةِ

Ким уйқучи бўлса, ўша одам ҳаётида баракани топа олмас. Ким кўп овқат еса, ибодат роҳатини ҳис қила олмас.

لَيْسَ كُلُّ طَالِبٍ يُذْرِكُ وَكُلُّ هَارِبٍ يَنْجُو

Ҳар бир талабгор интилаётган нарсасига етавермас, ҳар бир қочувчи ҳам қутулиб қола олмас.

إِدْخَارُ الرِّجَالِ أَوْلَى مِنْ إِدْخَارِ الْمَالِ، فَإِنَّ كُلَّ دِرْهَمٍ يُغْنِي عَنْ غَيْرِهِ وَمَا كُلُّ رَجُلٍ يَسُدُّ

مَسَدَّهُ عَيْرُهُ

Одамларнинг орасида таниш-билиш орттирмоқлик мол-дунё жамғаришдан кўра яхшироқдир. Чунки, ҳар бир дирҳамни ўрнини босувчи бор, ҳар бир кишини эса ўз ўрнини босувчиси йўқдир.

شعر:

فَكُنْ بِهَمِّ كَذِي الرَّحِمِ الشَّفُوقِ

وَعَمِّ الْعَيْنِ عَنْ عَيْبِ الصَّدِيقِ

وَلَكِنْ قُلْ هَلُمَّ إِلَى الطَّرِيقِ

إِذَا رَافَقْتَ بِالْأَسْفَارِ قَوْمًا

بَشُوشَ الْوَجْهِ ذَا عَفْوٍ وَصَفْحٍ

وَلَا تَأْخُذْ بِعَثْرَةِ كُلِّ شَخْصٍ

فَإِنْ تَأْخُذْ بِعَثْرَتِهِمْ يَقْلُوا
وَتَبْقَى فِي الطَّرِيقِ بِلَا رَفِيقٍ

Шеър:

Агарда ҳамроҳ бўлсанг қавм билан,
Қариндошлардек бўл меҳрибонлик билан,
Афв эт, кечиримли бўл очик юз билан,
Дўстда айб кўрсанг, кўзни юм кўрлик билан,
Ҳар бир кишини ушлаб олма хатолар билан,
Лекин, айт, шошил дўстим тўғри йўл билан,
Дўстлар камаяр агар ушласанг хатолари билан,
Натижада, йўлда қоласан шериги йўқ одам билан.
(Чин дўст улдириким, дўстидан ҳеч қачон ранжимаиди, агар ранжиса ҳам,
узрини қабул қилади).

إِذَا كَانَتْ الْعَايَةُ الزَّوَالِ فَمَا الْجَزَعُ مِنْ تَصَرُّفِ الْأَحْوَالِ

Қачонки мақсад йўқ бўлса, ҳолатларнинг ўзгаришидаги сабрсизлик нимаси?

مَنْ أَسْرَفَ فِي حُبِّ الدُّنْيَا مَاتَ فَقِيرًا وَمَنْ قَنَعَ عَاشَ غَنِيًّا

Ким дунё муҳаббатида исрофга йўл қўйса, яъни дунёни қаттиқ севса,
камбағал ҳолида вафот топура, ким каноат ила яшаса, бойлардек ҳаёт кечиради.

أَعْقَلُ النَّاسِ مَنْ اِعْتَبَرَ بِمَا رَأَى وَاتَّعَظَ بِمَا سَمِعَ

Кўрган воқеаларидан ибрат олган, эшитган хабарларидан панд-насихат
ола билган киши одамларнинг энг ақлласидир.

شَرُّ مَا فِي الْكَرِيمِ أَنْ يَمْنَعَكَ خَيْرُهُ وَخَيْرُ مَا فِي اللَّئِيمِ أَنْ يَمْنَعَكَ شَرُّهُ

Олийжаноб кишидаги энг ёмон хислат ўз яхшилигини сендан тўсишидир.
Пасткаш кишидаги энг яхши хислат, ёмонлигини сендан тўсиб туришидир.

حَرَكََةُ الْإِقْبَالِ بَطِيئَةٌ وَحَرَكََةُ الْإِدْبَارِ سَرِيعَةٌ

Омад аста-секин келади. Омаднинг юз ўгириши эса, тезда бўлади.

شعر:

لَا يُؤَيِّسَنَّكَ مِنْ مَّجْدٍ تَرْفَعُهُ فَإِنَّ لِلْمَجْدِ أَوْقَاتًا وَتَرْتِيبًا
إِنَّ الْقَنَاءَ الَّتِي شَاهَدْتَ رَفَعَتْهَا تَنْمُو وَتَنْبُتُ أَنْبُوبًا فَأَنْبُوبًا

Улуғликка кўтарилишликдан ноумид бўлма,
Улуғликнинг ўз вақту тартиблари борда, албатта,
Улуғ, юксаклигига каналнинг гувоҳи бўлгансан-да,
Ўсади ва қувурма-қувур кўтарилиб боради-да.

البُطْنَةُ تُذْهِبُ الْفِطْنَةَ

Очофат бўлиш зийрак ва фаросатни йўқ қилади.

عُصْفُورٌ فِي الْيَدِ خَيْرٌ مِنْ كُرْكَبٍ فِي الْهَوَاءِ

Қўлдаги нақд куш, ҳаводаги (насия) куркадан яхшидир.

خَيْرُ الْوَعْظِ مَا رَدَعَ وَخَيْرُ الْمَالِ مَا نَفَعَ

Панд-насихатни яхшиси қалбга кирганидир. Молни яхшиси ўзгалар манфаатдор бўлгани.

إِنْ طَلَبْتَ السَّلَامَةَ فَلَا تُعَادِ الْأَشْرَارَ وَإِنْ طَلَبْتَ مِنْ صَدِيقِكَ الْكَرَامَةَ فَلَا تُودِّعْهُ الْأَسْرَارَ

Агара омонликни истасанг, ёмонларга душманчилик қилма. Агар дўстингдан олийжанобликни истасанг, сир-асрорингни айтаверма.

الْفَقْرُ هُوَ الْمَوْتُ الْأَحْمَرُ وَالْجُورُ إِنْ دَامَ دَمَرٌ وَالْأَعْمَى مَيِّتٌ وَإِنْ لَمْ يُقْبَرْ

Фақирлик бу – қизил ўлимдир. Жабр-зулм давом этар экан, ҳалок қилади. Қалб кўзи ёпиқ ўликдир, гарчи қабрга қўйилмаган бўлса ҳам.

الْمَنَامُ شُعْبَةٌ مِنَ الْحَمَامِ

Уйқу ўлимдан бир бўлакдир.

أَقْلِلْ طَعَامَكَ تَحْمَدُ مَنَامَكَ

Таомингни камайтир, шунда уйқунг ширин бўлади.

أَفْضَلُ مِنَ السُّؤَالِ رُكُوبُ الْأَهْوَالِ

Меҳнат-машаққат билан ишлашинг, сўраб, тиланчилик қилганингдан афзалдир.

مَنْ دَامَتْ سَخَطَاتُهُ دَامَتْ حَسَرَاتُهُ

Кимнинг ғазаби бардавом бўлса, хасрат-надоматлари ҳам доимий бўлади. (Ноўрин ғазаб, ўзинга азоб)

مَنْ اسْتَوَلَى الْحِرْصُ عَلَيْهِ أَسْرَعَ الْمَقْتُ إِلَيْهِ

Кимни устидан очкўзлик ғолиб келса, жазо унга чошиб келади.

شعر:

إِيَّاكَ وَالْحِرْصَ إِنَّ الْحِرْصَ مَتَّعَةٌ	فَإِنْ فَعَلْتَ فَرَّاعَ الْقَصْدِ فِي الطَّلَبِ
قَدْ يُرْزَقُ الْمَرْءُ لَمْ تَتَّعِبْ رَوَاحِلُهُ	وَيُحْرَمُ الْمَرْءُ دُونَ الْأَسْفَارِ وَالتَّعَبِ

Очкўзликдан сақлангин, албатта, у машаққатга сабабчидир. Агар бир ишга интилсанг, излашда ўртачаликка риоя қилгин.

Баъзида кишини от-уловлари ишлаб қийналмаса ҳам ризқланур.

Баъзида эса киши ҳатто сафарда бўлиб қийналса ҳам ризқдан маҳрум қилинур.

مَنْ صَبَا إِلَى الشَّهَوَاتِ أَوْرَثَتْهُ النَّكَبَاتِ

Кимки кўнгилнинг хоҳиш истакларига интилаверса, улар унга мусибатларни мерос қилиб беради.

مَنْ أَمِنَ الزَّمَانَ لَقِيَ الْهُوََانَ

Ким замонга ишониб қолса, хорликка йўлиқади.

مَنْ كَتَمَ سِرَّهُ جَهِلَ الْعَدُوَّ أَمْرُهُ

Ким сирини яширса, душмани уни ишларини билмай қолади.

مَنْ تَزَيَّا بِغَيْرِ مَا هُوَ فِيهِ فَضَحَ الْإِمْتِحَانُ مَا يَدَّعِيهِ

Ким ўзида йўқ нарсалар ила зийнатланса, синов пайтида ўзи даъво қилаётган нарсалари уни шарманда қилади.

مَنْ تَكَلَّفَ مَا لَا يَعْينُهُ فَاتَهُ مَا يَعْينُهُ

Ким беҳуда ишларга интилиб ўзини қийнайверса, аслида унга муҳим бўлган ишлар ўтиб кетади.

مَنْ أَرْسَلَ طَرْفَهُ اسْتَدْعَى حَتْفَهُ

(Оғзи каби) кўзига эрк берган киши, ўлимини ўзи чақириб олгандир.

مَنْ كَانَ قَوِيًّا كَانَ بَهِيًّا

Ким кучли бўлса, кўркамлашади

مَنْ شَابَ رَأْسُهُ أَخْلَقَ لِبَاسُهُ

Кишининг сочи оқарган сари кийими эскириб бораверади.

مَنْ عَاتَبَ عَلَى كُلِّ ذَنْبٍ أَخَاهُ مَلَهُ وَقَلَاهُ

Ким дўстини ҳар-бир хатоси учун айблайверса, дўсти малолланиб, уни ёмон кўриб қолади.

شعر:

إِذَا كُنْتَ فِي كُلِّ الْأُمُورِ مُعَاتِبًا	صَدِيقَكَ لَمْ تَلَقِ الَّذِي لَا تُعَاتِبُهُ
فَعِشْ وَاحِدًا أَوْ صِلْ أَخَاكَ فَإِنَّهُ	مُفَارِقُ ذَنْبٍ مَرَّةً وَجُنَابُهُ
إِذَا أَنْتَ لَمْ تَشْرَبْ شَرَابًا عَلَى الْقَدَى	ظَمِئْتَ وَأَيُّ النَّاسِ تَصْفُو مَشَارِبُهُ
وَمَنْ ذَا الَّذِي تُرْضَى سَجَايَاهُ كُلُّهَا	كَفَى الْمَرْءَ نَبَلًا أَنْ تُعَدَّ مَعَايِبُهُ

Шеър:

Ҳар бир ишда айбласанг дўстни,
Учратмайсан айби йўқ дўстни,
У ҳолда ёлғиз яша, ёки дўст билан алоқани ула,
Дўст гоҳ гуноҳга келар, гоҳ ундан қочар,
Агар ифлос сувни ичмас экансан, чанқайсан,
Қайси дўстни ичадиган суви мусаффо экан,
Барча хислатидан рози бўлинадиган ким бор,
Кишига олийжаноблиги кифоя эмасми,
Унинг айбу хатолар билан бўлмоқлиги.

لَيْسَ لِمَمَارِحِ مُرُوءَةٍ وَلَا لِمَمَارِ خُلَّةٍ

Ҳазил-мутойибаси кўп кишида одамийлик йўқ, жанжалкашда-дўстлик.

لَيْسَ مَعَ الْخِلَافِ ائْتِلَافٌ

Қарама-қарши бўлаверишда бирлашиш йўқдир.

رُبَّ إغْتَابٍ خَيْرٌ مِنْ إِكْتَابٍ

Вақти-вақти билан зиёратда бўлиш, доим келиб, шу ерда ётиб қолишликдан яхшидир.

شعر:

رُبَّ مَنْ تَرَجُّو بِهِ دَفْعَ الْأَذَى عَنْكَ يَا تُيُوكَ الْأَذَى مِنْ قَبْلِهِ
رُبَّ مَأْمُولٍ لَهُ مِنْ رَجُلٍ قَدْ أَتَاهُ خَوْفُهُ مِنْ أَمَلِهِ

Яқин одамларингдан азиятни кетказишлигини умид қиласан,
Афсуски, азият уларнинг ўзлари томондан келиб қолади.
Сен уларга умид боғлайдиган кишилар борки,
Афсуски, хавф-хатар умид қилаётган кишиларнинг ўзидан келиб қолади.

أَجْهَلُ النَّاسِ مَنْ يَعْتمِدُ فِي أُمُورِهِ عَلَى مَنْ لَا يَأْمَنُ غَائِلَتَهُ وَلَمْ يَرْجُ نَصِيحَتَهُ

Ёвуз одамлигини билиб туриб, ўз ишларини ишониб торширган ва
самимийлиги йўқ бўлса ҳам, унга умид боғлайдиган киши нодонларнинг
нодонидир.

مَنْ أَوْعَزَتْ صَدْرَهُ اسْتَدْعَيْتَ شَرَّهُ

Кимнидир қалбига гина-адоват уруғини сепсанг, унинг ёмонлик
меваларини териб оласан

شعر:

إِذَا وَتَرْتَ إِمْرَأً فَاحْذَرِ عِدَاوَتَهُ مَنْ يَزْرَعِ الشُّوكَ لَا يَجْنِي بِهِ عِنَبًا

Шеър:

Агар кимгадир зулм қилсанг, уни ўч-адоватидан огоҳ бўл.
Билгин! Ким тикон экар экан, шу тикондан узум териб олмас.

حَاسِبْ نَفْسَكَ تَسْلَمْ وَاحْفَظْ دِينَكَ تَعْنَمْ

Ўзингни сарҳисоб қил, саломат бўласан, динингни муҳофаза қил, ўлжани
қўлга киритасан.

مَنْ فَعَلَ الْخَيْرَ فَبِنَفْسِهِ بَدَأَ وَمَنْ فَعَلَ الشَّرَّ فَعَلَى نَفْسِهِ اعْتَدَى

Ким яхшилик қилса, яхшиликни ўзидан бошлабди. Ким ёмонлик қилса, ўзига тажовуз қилибди.

Шعر:

غَدَا تُؤَفِّي النُّفُوسَ مَا كَسَبَتْ وَيَخْصُدُ الزَّارِعُونَ مَا زَرَعُوا
إِنْ أَحْسَنُوا أَحْسَنُوا لَأَنْفُسِهِمْ وَإِنْ أَسَاءُوا فَبِئْسَ مَا صَنَعُوا

Шеър:

Инсонлар нимаики қилсалар, тўлиғича оладилар,
Деҳқонлар нимаики эксалар, шуни йиғадилар,
Инсонлар яхшиликни ўзлари учун қиладилар,
Ёмонлик қилсалар, нақадар улар амалга оширган нарса.

مَنْ أَطَاعَ هَوَاهُ بَاعَ دِينَهُ بِدُنْيَاهُ

Ким ҳавойи нафсига қул бўлиб олса, дунёси учун динини сотибди.

الْهَوَى أَشَامُ دَلِيلٍ وَالْأُمُّ خَلِيلٍ وَأَغْشَمُ وَالٍ وَأَغْشُ مُوَالٍ

Ҳавойи нафс энг ёмон йўлбошчи, жуда пасткаш дўст, ниҳоятда хавфли ёрон ва беҳад қалбики улфатдир.

وَيُكَذِّبُ الْعِيَانَ وَيُقَلِّبُ الْأَعْيَانَ وَيَجْلِبُ الْهُوَانَ

Чунки ҳавойи нафс гуноҳларни гўзал шаклда кўрсатади, савоб ишларни эса хунук суратда чизиб беради. Натижада хорликни сен томон судраб келади.

Шعر:

إِذَا الْمَرْءُ لَمْ يَغْلِبْ هَوَاهُ أَقَامَهُ بِمَنْزِلَةٍ فِيهَا الْعَزِيزُ دَلِيلٌ

Агарда киши ҳавою нафсига энгиладиган бўлса, уни шундай бир манзилга тушурадики, у ерда иззат-эҳтиромдаги киши хор бўлади.

فَخُذْ مِنْ نَفْسِكَ لِنَفْسِكَ وَقَسْ مِنْ يَوْمِكَ عَلَى أَمْسِكَ قَبْلَ أَنْ تَسْتَوِي الْأَجَلَ وَتَعْجِزَ عَنِ الْعَمَلِ وَاخْتَلِسِ الدَّهْرَ اخْتِلَاسًا فَطَالَمَا سَرَّ ثُمَّ أَسَاءَ

Ўзинг учун ҳам бир манфаатли иш қилиб қўй. Ажалинг келмасидан ва амал қилишга ожиз қолишингдан олдин эртанги кунинга қараганда бугунги кунларингни яхши амаллар билан тўлдиргин. Замондан яхшиликларни ўзлаштириб ол. Чунки, замон гоҳида хурсанд қилса, гоҳида хафа қилиб қўяди.

شعر:

إِذَا كُنْتَ فِي أَمْرٍ فَكُنْ فِيهِ مُحْسِنًا
وَكَمْ أَفْتَتِ الْأَيَّامُ أَصْحَابَ دَوْلَةٍ
فَعَمَّا قَلِيلٍ أَنْتَ مَاضٍ وَتَارِكُهُ
وَقَدْ مَلَكُوا أَضْعَافَ مَا أَنْتَ مَالِكُهُ

Агар бир иш қилсанг, уни гўзал тарзда бажар.

Чунки сен озгина муддатдан сўнг тугал қилиб, у ишни тарк этасан.

Кунлар қанчадан-қанча давлатманд кишиларни ҳам йўқотиб юборди.

Ҳолбуки, улар сен эга бўлган нарсага нисбатан кўпроқ нарсага эга эдилар.

الْبَخِيلُ حَارِسُ نِعْمَتِهِ وَخَازِنُ وَرَثَتِهِ

Бахил, ўз бойлигини қўриқчиси ва меросхўрларига хазинабондир.

الرَّضَى بِالْكَفَافِ خَيْرٌ مِنْ سُؤَالِ الْأَشْرَافِ

Озгина нарсага рози бўлиш, улуғлардан сўрашдан яхшироқдир.

شعر:

تَعَقَّفْ عَنِ الْأَعْلَى مِنَ الْعَيْشِ وَاحْتَكِمْ
وَإِنَّ يَدَ الْخَيْرِ الْكَرِيمِ مَذَلَّةٌ
عَلَى النَّفْسِ إِنْ تَرْضَى سُؤَالَ كَرِيمٍ
فَكَيْفَ إِذَا كَانَتْ يَدُ اللَّئِيمِ

Тўла-тўкис ва фаровон яшашликдан ўзингни сақлагин,

Агар нафсинг обрўли кишилардан сўрашни истаб қолса, дарров уни устидан ҳукмдор бўлиб ол,
Саҳоватли, обрўли кишининг ёрдами баъзида хорликдир,
Улуғларни ҳолати шундай экан, пасткашларнинг ёрдами қандай бўлишини бир кўз олдингга келтириб кўр.

مَنْ كَثُرَ اخْتِلَافُهُ طَالَتْ غَيْبَتُهُ وَمَنْ كَثُرَ مَزَاحُهُ زَالَتْ هَيْبَتُهُ

Кимнинг ихтилофи кўпайса, унинг ғийбати ҳам узун бўлади. Кимнинг ҳазил-мутуйибаси кўпайса, ҳайбати кетиб қолади.

مَنْ اسْتَوَزَرَ غَيْرَ كَفَّ خَاطَرُ بَمُلْكِهِ، وَمَنْ اسْتَشَارَ غَيْرَ أَمِينٍ أَعَانَ عَلَى هُلْكِهِ

Ким лаёқтсиз вазирни ўзига ўринбосар қилиб олса, мулку давлатини хавф-хатарга қўйибди. Кимки ишончсиз одамдан маслаҳат сўраса, ўзини ҳалокатига ёрдам сўрабди.

مَنْ أَسْرَأَ إِلَى غَيْرِ ثِقَةٍ ضَيَّعَ سِرَّهُ وَمَنْ اسْتَعَانَ بِغَيْرِ مُسْتَقِيلٍ أَفْسَدَ أَمْرُهُ

Ишончсиз одамга сирини айтган киши, ўз сирларини зое қилибди. Ким эрки ўзида бўлмаган кишидан ёрдам сўраса, ишини бузибди.

وَمَنْ ضَيَّعَ أَمْرَهُ ضَيَّعَ كُلَّ أَمْرٍ

Ким ўз ишини мустаҳкам қила олмаса, бошқа барча ишни зое қилибди.

وَمَنْ جَهِلَ قَدْرَهُ جَهِلَ كُلَّ قَدْرٍ

Ким ўз қадрини билмаса, ўзга барчанинг қадрини ҳам билмабди.

شعر:

وَمَنْ جَهِلَتْ نَفْسُهُ قَدْرَهُ رَأَى غَيْرُهُ [منه] مَا لَا يَرَى

Шеър:

Кимки ўз айбларини билмас экан,

Ўзгаларга унинг хатоси кўринар.

أَفْضَلُ الرَّأْيِ مَا لَمْ يُفَوِّتْ فُرْصَةً وَلَمْ يُورِثْ عُصَّةً

Тадбирнинг энг афзали, фурсат ва имконият ўтиб кетмаслиги ва ғам-ғуссанини келтириб чиқармаганидир.

اسْتِصْلَاحُ الْعَدُوِّ بِحُسْنِ الْمَقَالِ، أَصْلَحُ مِنْ اسْتِصْلَاحِهِ بِطُولِ الْقِتَالِ

Мулойим гаплар билан душманни тузатиб қўйиш, унга қарши узоқ уруш очиб, ислоҳ қилишдан яхшироқдир.

شعر:

إِنَّ الْعَدَاوَةَ تَسْتَحِيلُ مَوَدَّةً بَتَذَارِكِ الْهَفَوَاتِ بِالْحَسَنَاتِ

Хатоларни яхшиликлар ила тўғрилаб қўйилса, орадаги душманчилик дўстликка айланади, албатта.

مَنْ طَلَبَ مَا لَا يَكُونُ طَالَ تَعَبُهُ وَمَنْ فَعَلَ مَا لَا يَحْسُنُ كَانَ فِيهِ عَطْبُهُ

Ким рўёбга чиқмайдиган нарсага қўл урса, ўзини ўзи машаққатга қўйибти. Ким дуруст бўлмаган нарсаларни қилаверса, осийлиги сабаб ҳалок бўлибди.

مَنْ قَصَرَ عَنْ سِيَاسَةِ نَفْسِهِ كَانَ عَنْ سِيَاسَةِ غَيْرِهِ أَقْصَرَ، وَمَنْ غَدَرَ بِأَهْلِ بَيْتِهِ كَانَ بِأَهْلِ
وُدِّهِ أَغْدَرَ

Ўзини ўзи ўнглай олмаган киши қандай қилиб ўзгани ўнглай олсин. Ўзининг оиласига хиёнат қилган кимса, дўстининг аҳлига ундан-да хоинроқ бўлади.

شعر:

إِذَا الْمَرْءُ ضَيَّعَ مَا أَمْكَنَهُ وَمَالَ إِلَى التَّيِّهِ وَاسْتَحْسَنَهُ
فَدَعَاهُ فَقَدْ سَاءَ تَذْبِيرُهُ سَيَضْحَكُ يَوْمًا وَيَبْكِي سَنَةً

Киши ўзига зарур бўлган ишларни зое қилса, хатоларга мойил бўлса, уни ўзи учун чирой деб билса, сен бундай кишиларни ўз ҳолига ташлаб қўй. Негаки унинг режалари ёмондир. Бу тоифадагилар бир кун кулса, йил бўйи йиғлар.

الشَّرْكَةُ فِي الرَّأْيِ تُؤَدِّي إِلَى صَوَابِهِ وَالشَّرْكَةُ فِي الْمُلْكِ تُؤَدِّي إِلَى خَرَابِهِ

Фикр юритишдаги шерикчилик тўғри йўналишга олиб боради.
Мол-дунёдаги шерикчилик харобаликка олиб боради.

أَعْمِدُ سَيْفِكَ مَا نَابَ عَنْهُ لِسَانُكَ وَاسْتَمِلَ عَدُوُّكَ مَا وَسِعَهُ إِحْسَانُكَ

Тил билан ислоҳ қилинадиган ўринда қиличингни қинига тикиб тур.
Инфоқ-эхсонларинг кенг-мўл бўлганда душманингни ўзинга мойил қилиб ол.

مَنْ أَصْلَحَ نَفْسَهُ أَرْغَمَ أَعَادِيهِ، وَمَنْ أَعْمَلَ حَدَّهُ بَلَغَ أَمَانِيهِ

Ким ўзини ислоҳ қилса, душманларининг бурнини ерга ишқабди. Ким тиғини ишлатса, орзусига етишибди.

شعر:

وَإِذَا الْمَرْءُ عُوِيَ فِي جِسْمِهِ إِذَا الْمَرْءُ عُوِيَ فِي جِسْمِهِ
وَأَعْطَاهُ مَوْلَاهُ قَلْبًا قَنُوعًا وَأَعْطَاهُ مَوْلَاهُ قَلْبًا قَنُوعًا
فَذَاكَ الْمَلِكُ وَإِنْ مَاتَ جُوعًا فَذَاكَ الْمَلِكُ وَإِنْ مَاتَ جُوعًا
وَأَعْرَضَ عَنْ كُلِّ مَا لَا يَلِيقُ وَأَعْرَضَ عَنْ كُلِّ مَا لَا يَلِيقُ

Агар кишини танаси саломат бўлса,
Роббиси унга қаноатли қалб ато қилган бўлса,
Шунда у нолайиқ нарсалардан юз ўтгирса,
Подшоҳ бўлар экан, гарчи оч-яланғоч ўлса.

كُلُّ امْرِئٍ يَمِيلُ إِلَى شَكْلِهِ

Ҳар бир киши ўз ўхшашига мойил бўлади.
(Тўғри ўғрини, ўғри тўғрини тарк этар).

لَيْسَ الْعَجَبُ مِنْ جَاهِلٍ صَحِبَ جَاهِلًا إِنَّمَا الْعَجَبُ مِنْ عَاقِلٍ جَفَا عَاقِلًا

Нодон ўзи каби жоҳил билан дўстлашса, бунинг ажабланарли жойи йўқдир. Балки оқил одам ўзи каби оғил кимсага жабру ситам қилишидир.

كُلُّ شَيْءٍ يَنْفِرُ عَنْ ضِدِّهِ وَيَمِيلُ إِلَى نَدِّهِ

Ҳар бир ўзига зид бўлгани учун ундан қочади. Ҳамнафас бўлган томон сари интилиб боради.

شعر:

وَكُلُّ أَمْرٍ يُصْبُو إِلَى مَنْ يَشَاكِلُهُ وَلَا يُؤَلَّفُ الْإِنْسَانُ إِلَّا نَظِيرَهُ

Инсон фақат ўзига тенгқур бўлгани билан дўст тутинади,
Ҳар бир киши эса ўзига ўхшагани томон талпинади.

لَا يَغُرَّتْكَ كِبَرُ الْجِسْمِ مِمَّنْ صَغُرَ فِي الْعِلْمِ وَلَا طُولُ الْقَامَةِ مِمَّنْ قَصُرَ فِي الْإِسْتِقَامَةِ فَإِنَّ الدُّرَّةَ عَلَى صِغَرِهَا خَيْرٌ مِنَ الصَّخْرَةِ عَلَى كِبَرِهَا

Тана катта ва узун қоматли бўлиб, илми оз ва истиқоматда нуқсонни бор киши сени қўймасин. Чунки дуру-гавҳар ҳам кичиклигига қарамасдан катта-катта харсанг тошлардан яхшидир.

(“Истиқомат” – шариат кўрсатганидек юриш).

أَجْهَلُ النَّاسِ مَنْ يَعْتَرُ بِقَوْلٍ غَرٍّ مِنْ مُتَمَلِّقٍ يُحَسِّنُ لَهُ الْقَبِيحَ وَيُبْعِضُ لَهُ النَّصِيحَ

Бир кимсани мақтов ва алдовларига алданиб қолган киши инсонларнинг энг нодонидир. Ҳолбуки, бу нодон хунук нарсани гўзал қилиб кўрсатадиган, чин дўстларни орасига рахна соладиган лаганбардордир.

نَارُ الْجَفْوَةِ أَحْرَقُ مِنْ نَارِ الصَّبَوَةِ

Қўполликни олови йигитлик шижоатининг оловидан ёндирувчироқ бўлади.

لَيْسَ لِضُجُورٍ رِيَاسَةٌ وَلَا لِمُلُودٍ إِدْرَاكٌ مِنِّي وَلَا لِبَخِيلٍ صَدِيقٌ

Юраги тор кимса бошлиқ бўла олмайди. Мақсадидан зериккан киши орзуларига ета олмайди. Худбин одам билан ҳеч ким дўстлашмайди.

شعر:

إِذَا أَنَا عَاتَبْتُ الْمُلُوكَ فَإِنِّي
أَخْطُ بِأَقْلَامِي عَلَى الْمَاءِ آخِرُفَا
وَهَبْهُ ارْعَوَى بَعْدَ الْعِتَابِ أَلَمْ تَكُنْ
مَوَدَّتُهُ صَعْبًا فَصَارَتْ تَكَلُّفًا

Агар мен подшоҳларни койисам,
Гўё мен қаламим ила сувга ҳарфларни ёзаётгандекман,
Танбеҳлардан кейин у асл ҳолга қайтди дейлик ҳам,
Ошнолик бўлиб, у сохталикка айланмасмикан.

لَا تُحْمِلْ نَفْسَكَ مَا لَا تُطِيقُ وَلَا تَعْمَلْ عَمَلًا لَا يَنْفَعُكَ وَلَا تَعْتَرَّ بِأَمْرَةٍ وَلَا تَتَّقُ بِالْمَالِ وَإِنْ

كَثُرَ

Тоқатинг етмайдиган юкни кўтарма. Сенга манфаат бермайдиган ишга киришма. Аёлларга алданиб қолма. Мол-у, давлатинг кўплигига ишониб қолма.

إِصْنَعِ الْمَعْرُوفَ تَكْسِبِ الْحَمْدَ، وَأَكْرِمِ الْجَلِيسَ يُعَمِّرْ نَادِيكَ، وَأَنْصِفْ مَنْ نَفْسِكَ يُوثِقُ

بِكَ.

Хайр-эхсон қил, мақтовларга эришасан. Суҳбатдошингни ҳурмат қил, мажлисларинг кенгайиб бораверади. Инсоф аввал ўзинга - сўнг сен учун садоқат қилишади.

وإِيَّاكَ وَالْأَخْلَاقَ الدِّينِيَّةَ فَإِنَّهَا تُضِيعُ الشَّرْفَ وَتَهْدِمُ الْمَجْدَ

Тубан ахлоқлардан сақлан! Чунки у – обрўларингни йўқ қилиб, ҳурматингни яқсон қилади.

شعر:

أَرْوَمُ مِنَ الْمَعَالِي مُنْتَهَاهَا وَلَا أَرْضَى بِمَنْزِلَةِ دَنِيَّه
فَإِمَّا نَيْلُ غَايَةِ مَا أَرْجَى وَإِمَّا أَنْ تُصَادِفَنِي مَنِيَّه

Мен олий ҳислатларнинг энг чўққисига интиламан,
Мен паст мартабаларга ҳаргиз рози эмасман,
Ё шу талпинишимда мақсадларимга эришаман,
Ё шу йўлда мени ўлим дуч келишига розиман.

وَأَعْلَمُ، أَنَّ رَئِيسَ الْعَشِيرَةِ يَحْمِلُ أَثْقَالَهَا وَرَئِيسَ الْقَبِيلَةِ يَنْتَجِعُ أَهْمَالَهَا

Билгин, қариндош-уруғга бош бўлиш, қийинчиликларни биргалашиб кўтаришдир. Қабилага раҳбар бўлиш эса, уларнинг муаммоларини биринчи навбатда ҳал қилиб беришлик, албатта.

شعر:

وَإِذَا أَنَا لَتَكُ اللَّيَالِي تَرْوَةً فَأَنِلْ أَقَارِبَكَ الْأَقَاصِي فَضْلَهَا
وَأَعْلَمُ بِأَنَّكَ لَنْ تَسُودَ فِيهِمْ حَتَّى تُرَى دِمْتَ الْخَلَائِقِ سَهْلَهَا

Қачонки кечалар сенга бойлик тақдим қилса,
Ортиғини улаш гарчи узоқ қариндош бўлса ҳам,
Уларнинг ичида ҳаргиз бўлмайсан обрўли кимса,
Агар хулқларнинг мулойим ва юмшоқ бўлмаса.

صِحَّةُ الْجِسْمِ خَيْرٌ مِنْ شُرْبِ الدَّوَاءِ وَتَرْكُ الذَّنْبِ خَيْرٌ مِنَ الْإِسْتِغْفَارِ

Тананинг соғлом бўлиши дори ичишдан яхшироқдир. Гуноҳларни тарк этиш истиғфор айтгандан афзалроқдир.

شعر:

رَأَيْتُ الذُّنُوبَ تُمِيتُ الْقُلُوبَ وَقَدْ يُورِثُ الذَّلَّ إِدْمَانُهَا
وَتَرَكَ الذُّنُوبَ حَيَاةَ الْقُلُوبِ وَخَيْرٌ لِنَفْسِكَ عَصْيَانُهَا

Гуноҳлар қалбларни ҳалок қилаётганини кўрдим,

Гуноҳларда бардавом бўлиш хорликни келтириб чиқади,
 Гуноҳларни тарк этиш қалблар ҳаётидир,
 Гуноҳларга исён қилиш ўзинг учун яхшидир.

زَيْنَةُ الْعِلْمِ الصِّدْقُ وَزَيْنَةُ الْكَرَمِ الْبِشْرُ وَزَيْنَةُ الشَّجَاعَةِ الْعَفْوُ عِنْدَ الْقُدْرَةِ

Ростгўйлик илмнинг зийнати. Очiq юзлилик олийжанобликнинг кўрки. Ҳақиқий қаҳрамонликнинг зийнати, қасос олишга қодир бўла туриб кечириб юборишлиқдир.

شعر:

السَّبْعُ سَبْعٌ وَإِنْ كَلَّتْ مَخَالِبُهُ	وَالْكَلْبُ كَلْبٌ وَلَوْ بَيْنَ السَّبْعِ رِيّ
وَهَكَذَا الذَّهَبُ الْإِبْرِيْزُ خَالِطُهُ	صِفْرُ النُّحَاسِ وَكَانَ الْفَضْلُ لِلذَّهَبِ
لَا تَنْظُرَنَّ لِأَثْوَابٍ عَلَى رَجُلٍ	إِنْ رُمْتَ تَعْرِفَهُ وَانْظُرْ إِلَى الْأَدَبِ
فَالْعُودُ لَوْ لَمْ تَفْخَ مِنْهُ رَوَائِحُهُ	مَا فَرَّقَ النَّاسُ بَيْنَ الْعُودِ وَالْحَطَبِ

Йиртқич йиртқичлигига боради, гарчи тирноқлари ўтмас бўлса ҳам,
 Ит итлигига боради, гарчи у йиртқичлар орасида тарбия кўрган бўлса ҳам,
 Тилла ўз фазлини йўқотмас, гарчи мис билан аралаштирилса ҳам,
 Одамнинг кийимига қарама, агар уни билишни истасанг ҳар дам,
 Аммо сен уларнинг ахлоқ-одобига назар сол ҳамма вақт ҳам,
 Муаттар ҳидли ёғоч ўз хушбўйлигини таратиб турмаганида эди,
 Одамлар ёғли, хушбўй ёғоч билан қуруқ ўтинни ажратишмас эди.

ضرب مثل

Зарбулмасал

Зарбулмасал у масаллар йиғиндиси. Масал сўзи ўтмишида биз ҳозир қўллайдиган мақол маъносида ишлатилган.

Бу жанрдаги асарларни асосий хусусиятлари уларда мажозий усул қўлланилгандир, яъни воқеа ва ҳодисалар ҳайвонлар, қушлар тилидан ҳикоя қилинади. Муаллифлар танқид қилинажак кишилар таъқибидан чўчиб шу усулни қўллаганлар.

حُكِيَ أَنَّ فَرَسًا كَانَ لِرَجُلٍ مِنَ الشَّجْعَانِ وَكَانَ يُكْرِمُهُ وَيُحْسِنُ الْقِيَامَ بِهِ وَلَا يَصْبِرُ عَنْهُ سَاعَةً وَيُعِدُّهُ لِمِهْمَاتِهِ وَكَانَ يُخْرِجُ بِهِ فِي كُلِّ غَدَاةٍ إِلَى مَرْجٍ وَاسِعٍ فَيُزِيلُ عَنْهُ سَرَجَهُ وَلِحَامَهُ وَيُطِيلُ رَسَنَهُ فَيَتَمَرَّغُ وَيَزْعَى حَتَّى تَرْتَفِعَ الشَّمْسُ وَيُرْدُّهُ إِلَى مَنْزِلِهِ.

Ҳикоя қилинадики, бир шижоатли кишининг оти бор эди. У отини ардоқлар, унга қаттиқ эътибор берар, бир лаҳза ҳам айрилиққа чидай олмас эди. Отини муҳим ишларига шай қилиб қўяр ва севимли оти билан ҳар куни тонгда бепоён яйловга чиқар эди. Хотиржам ўтлаши учун юган ва эгарини ҳам ечиб қўяр эди. Арқонини ерга узун қилиб, ташлаб қўяр эди. От майсаларнинг устида ўзини ўнга-сўлга қараб думалатар ва ўтлаб юрар эди. Қуёш ботгандан сўнг отни яна уйига қайтариб, олиб келар эди.

وَأَنَّهُ خَرَجَ يَوْمًا عَلَى عَادَتِهِ إِلَى الْمَرْجِ. فَلَمَّا نَزَلَ عَنْهُ وَاسْتَقَرَّتْ قَدَمَاهُ عَلَى الْأَرْضِ نَفَرَ عَنْهُ الْفَرَسُ وَجَمَحَ وَمَرَّ يَغْدُو بِسَرَجِهِ وَلِحَامِهِ فَطَلَبَهُ الْفَارِسُ يَوْمَهُ كُلَّهُ فَأَعْجَزَهُ وَغَابَ عَنْ عَيْنَيْهِ عِنْدَ غُرُوبِ الشَّمْسِ فَرَجَعَ الْفَارِسُ إِلَى أَهْلِهِ وَقَدْ يَيْسَ مِنَ الْفَرَسِ.

Кунлардан бирида улар ўз одатларига биноан яйловга чиқишди. Шунда отнинг хўжайини уни устидан тушиб, оёғини ерга қўяр-қўймас от қайсарлик қилиб, қочиб қолди. Устидаги эгар ва югани билан шамол каби тез чопиб кетар эди. Сўнгра хўжайини уни кун бўйи излаб топа олмади. Ҳолбуки, унинг оти қуёш ботар вақтда кўздан ғойиб бўлган эди. Шунда отнинг хўжайини отидан умидини узган ҳолда оиласи ҳузурига қайтиб келди.

وَلَمَّا انْقَطَعَ الطَّلَبُ عَنِ الْفَرَسِ وَأَظْلَمَ عَلَيْهِ اللَّيْلُ جَاعَ وَفَرَامَ أَنْ يَزْعَى فَمَنَعَهُ اللَّحَامُ وَرَامَ أَنْ يَتَمَرَّغَ فَمَنَعَهُ السَّرَجُ وَرَامَ أَنْ يَسْتَقِرَّ عَلَى أَحَدِ جَنْبَيْهِ فَمَنَعَهُ الرُّكَابُ فَبَاتَ بِشَرِّ لَيْلَةٍ وَلَمَّا أَصْبَحَ ذَهَبَ يَبْتَغِي فَرَجًا مِمَّا هُوَ فِيهِ فَأَعْتَرَضَهُ نَهْرٌ فَدَخَلَهُ لِيَقْطَعَهُ إِلَى الْجَانِبِ الْآخِرِ فَإِذَا هُوَ بَعِيدُ الْقَعْرِ فَسَبَحَ فِيهِ إِلَى الْجَانِبِ الْآخِرِ وَكَانَ حَزَامُهُ وَلِبُّهُ مِنْ جِلْدٍ لَمْ يُبَالِغْ فِي دَبْعِهِ. فَلَمَّا خَرَجَ مِنَ النَّهْرِ أَصَابَتْ الشَّمْسُ الْحَزَامَ وَاللِّبَّ فَيَسَا وَاشْتَدَّ عَلَيْهِ فَوَرَمَ عُنُقُهُ وَوَسَطُهُ وَاشْتَدَّ الضَّرَرُ عَلَيْهِ إِلَى مَا هُوَ مِنَ الْجُوعِ فَلَبِثَ بِذَلِكَ أَيَّامًا إِلَى أَنْ ضَعُفَ عَنِ الْمَشْيِ فَقَعَدَ فَمَرَّ بِهِ خَنْزِيرٌ وَهَمَّ بِقَتْلِهِ.

От қидирилиб бўлингач, қоронғу тун отни қуршаб олди. Уни қорни очиқиб кетди. У ўт-ўланларни оғзига солмоқчи бўлди, лекин югани оғзини тўсиб қўяр эди. Ерга ағанаб дам олмоқчи бўлди, аммо эгари танасига ботиб, унга озор берар эди. Ҳеч бўмаганда ёнбошламоқчи бўлган эди, узанги унга ҳалақит қилди. Ана шу кеча от учун ниҳоятда аянчли ўтди. Тонг отгач, бу машаққатлардан кутилиш учун йўлга тушди. Йўл юраркан бир дарёни қаршисидан чиқиб қолди. Дарёни нариги томонига кесиб ўтмоғи учун туёқларини сув устига қўйди. Не кўз билан кўрсинки, дарёни туби жуда чуқур экан. Сўнг дарёни нариги тарафига юзланиб суза бошлади. Ваҳоланки, белидаги камари ва кўкрак қисмига боғлаб қўйилган бўйинбоғи яхши ошланмаган теридан эди. Дарёдан эсон-омон чикқач, қуёшнинг иссиқ ҳарорати белбоғи ва бўйинбоғини буриштириб, қотириб қўйди. Натижада танасига қаттиқ ботди. Бироздан сўнг унинг бўйни ва бели шишиб кетди. Очлик билан бу азоб биргалашиб, у учун катта мусибатга айланди. Мана шу азоб-уқубатда бир қанча кунларини ўтказиб, ҳатто юришга ҳам ҳоли қолмай ўтириб олди. Шу пайт унинг ёнидан бир чўчкача ўтиб қолиб, унга ҳамла қилмоқчи бўлди.

ثُمَّ عَطَفَهُ عَلَيْهِ مَا رَأَى بِهِ مِنَ الضَّعْفِ فَسَأَلَهُ عَنْ حَالِهِ فَأَخْبَرَهُ بِمَا هُوَ فِيهِ مِنْ إِضْرَارِ اللَّجَامِ
وَالسَّرَجِ وَاللِّبِّ وَالْحِزَامِ وَسَأَلَهُ أَنْ يَصْطَنَعَ مَعَهُ مَعْرُوفًا وَيُخَلِّصَهُ مِمَّا ابْتَلَى بِهِ فَسَأَلَهُ الْخَنْزِيرُ عَنْ
الدَّنْبِ الَّذِي اسْتَحَقَّ بِهِ تِلْكَ الْعُقُوبَةَ فَرَعَمَ الْفَرَسُ أَنَّهُ لَا ذَنْبَ لَهُ.

Сўнг чўчка отни заиф, ночор ётганини кўриб, раҳми келди.

Чўчка ундан сўради:

– Нима сабаб бундай ҳолатга тушиб қолдинг?

От ўзида содир бўлган ҳамма воқеани, яъни, эгар, белбоғ ва бўйинбоғи сабабли етган зарарларни айтиб:

– Менга бир яхшилик қилиб, мана бу устимдаги арқон-парқон ва лаш-лушларни олиб ташласанг, деб илтимос қилди.

Чўчка:

– Сени қандай гуноҳинг борки, бу жазоларга ҳақли бўлиб, дучор бўлдинг? деган эди.

– Менда ҳеч қанақа гуноҳим йўқ, деди от.

فَقَالَ الْخَنْزِيرُ: كَلَّا بَلْ أَنْتَ كَاذِبٌ فِي زَعْمِكَ أَوْ جَاهِلٌ بِجُرْمِكَ فَإِنْ كُنْتَ يَا فَرَسُ كَاذِبًا
فَمَا يَنْبَغِي لِي أَنْ أَنْقِسَ عَنْكَ خِنَاقًا وَلَا أَصْطَنَعَ عِنْدَكَ مَعْرُوفًا وَلَا أَتَخَذَكَ وَلِيًّا وَلَا أَلْتَمِسَ عِنْدَكَ
شُكْرًا وَلَا أَطْلُبَ فِيكَ أَجْرًا

Чўчка:

– Йўқ. Сен ёлғончисан, ё гуноҳингни тан олмаяпсан. Эй от! Агар сен ёлғончи бўлсанг, устингдаги арқонларингни бўшатиш ва сенга ёрдам бериш мен учун ордир. Ҳатто менга дўст бўлишликка ҳам арзимаёсан. Менга раҳмат айтишинг ҳам керак эмас. Совға-саломларинга ҳам зор эмасман, деди.

فَإِنَّهُ كَانَ يُقَالُ: اخْذِرْ مُقَارَنَةَ ذَوِي الطَّبَاعِ الْمَرْدُولَةِ لِغَلَا يَسْرِقَ طَبْعَكَ مِنْ طِبَاعِهِمْ وَأَنْتَ لَا تَشْعُرُ وَكَانَ يُقَالُ: أَصْعَبُ مَا يُعَانِيهِ الْإِنْسَانُ مُمَارَسَةُ صَاحِبٍ لَا يَتَحَصَّلُ مِنْهُ عَلَى حَقِيقَةٍ وَكَانَ يُقَالُ: لَا تَطْمَعُ فِي اصْطِلَاحِ الرِّذْلِ وَالْخُصُولِ عَلَى مَصَافَاتِهِ فَإِنَّ طِبَاعَهُ أَصْدَقُ لَكَ مِنْكَ وَلَنْ يَتْرَكَ طِبَاعَهُ مِنْ أَجْلِكَ

Чўчка отга қараб деди:

– Ҳикматларда: "Табиатида разиллиги ва пасткашлиги бор одамдан четлангин. Негаки сени соф табиатинг уларнинг ёмон хулқини ўғирлаб олмасин. Ваҳоланки, сен буни сезмай ҳам қоласан", деб айтилган.

– Яна: "Аксар инсонларга қийин бўладиган бир иш борки, уларнинг атрофидаги дўстлари ҳақиқийми, ёки сохтами била олишмайди", деб айтилган.

– Яна: "Сен разил ва пасткаш одамларни ислоҳ қилсам, улар сувдек мусаффо бўладилар, деб умид боғлаб ўтирмагин. Чунки, уларнинг табиати ўзларининг кабоҳатларига содиқроқ бўлади. Билгинки, сени мулойим бўлишинг туфайли улар ҳаргиз ифлос табиатларини тарк этмайдилар", деб, бир қанча ҳикматларни айтиб берди.

ثُمَّ قَالَ لَهُ الْخَنَزِيرُ: وَإِنْ كُنْتُ أَتِيهَا الْفَرَسُ جَاهِلًا بِجُرْمِكَ الَّذِي اسْتَوْجَبْتَ بِهِ هَذِهِ الْعُقُوبَةَ فَحَهْلُكَ بِذَنْبِكَ أَعْظَمُ مِنْهُ فَإِنَّ مَنْ جَهِلَ ذُنُوبَهُ أَضَرَّ عَلَيْهَا فَلَمْ يُرَجَّ فَلَاحُهُ وَكَانَ يُقَالُ: اخْذِرِ الْجَاهِلَ فَإِنَّهُ يَجْنِي عَلَى نَفْسِهِ وَلَسْتُ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْهَا

– Сен ўзинга-ўзинг орттирган мана шу азоб-укубатларни тан олмас экансан, билгинки, ҳозирда айбларинга иқроор бўлмаётганинг нариги гуноҳларингдан-да каттароқдир. Чунки, ким гуноҳини билмас экан, шу билмаслигини ўзи зарар устига зарар бўлиб, уни муваффақиятга эришиши умид қилинмайди. Ахир айтишганку: "Сен нодондан сақлангин, чунки у ўзига-ўзи жинойткордир, сен унга маҳбуб эмассан", деди чўчка.

فَقَالَ الْفَرَسُ لِلْخَنَزِيرِ: يَنْبَغِي لَكَ أَنْ لَا تَزْهَدَ فِي اصْطِنَاعِ الْمَعْرُوفِ، فَإِنَّ الدَّهْرَ دُو صُرُوفٍ

От чўчкага:

– Нима бўлганда ҳам сен эзгулик ва яхшиликларни бажаришдан ўзингни тийма. Чунки замон айланиб туради, деди.

فَقَالَ الْخَنَزِيرُ: إِنِّي لَسْتُ بِزَاهِدٍ فِي ذَلِكَ وَلَكِنَّهُ كَانَ يُقَالُ: الْعَاقِلُ يَتَخَيَّرُ لِمَعْرُوفِهِ كَمَا يَتَخَيَّرُ الْبَاذِرُ لِبَذَرِهِ مَا زَكَا مِنْ الْأَرْضِ فَحَدَّثَنِي يَا فَرَسُ عَنْ ابْتِدَاءِ أَمْرِكَ فِيمَا نَزَلَ بِكَ وَعَنْ حَالِكَ قَبْلَ ذَلِكَ لِأَعْلَمَ مِنْ أَتَيْنَ دُهَيْتَ.

Чўчка отга: "Мен яхшилиқ қилишни инкор қилмаяпман. Лекин баъзи ҳикматларда: "Дехқон донини сепишда ўзига маъқул ерни ихтиёр қилгани каби, оқил киши ҳам эзгуликларини ўзи хоҳлаган кимсага қилади", деб айтилган. Эй от, сен менга барча ишларинг ҳақида сўзлаб бер. Қандай қилиб бу мусибатлар бошинга тушганлигини ҳам айт. Ҳозирги ҳолатинг қандоқки, аввалги ҳолатинг қандоқ бўлсин. Булар ҳақида ҳам сўзлаб бергин! Токи мен сени нима сабабдан бу боши берк кўчага кириб қолганингни билай", деди.

فَحَدَّثَهُ الْفَرَسُ عَنْ جَمِيعِ أَمْرِهِ وَكَيْفَ كَانَ عِنْدَ فَارِسِهِ وَكَيْفَ فَارَقَهُ وَمَا لَقِيَ فِي طَرِيقِهِ إِلَى حِينَ اجْتِمَاعِهِ بِالْخَنَزِيرِ

От унга ҳаммасини рўю рост сўзлаб берди. Чўчкага йўлиққунга қадар хўжайинини ҳузурида қандай роҳатда бўлгани, ундан ажралгандан сўнг йўлда унга қандай воқеалар содир бўлганини айтиб берди.

فَقَالَ لَهُ الْخَنَزِيرُ: قَدْ ظَهَرَ لِي الْآنَ أَنَّكَ جَاهِلٌ بِجُرْمِكَ وَأَنَّ لَكَ ذُنُوبًا سِتَّةً:

الأول: خِذْلَانُكَ فَارِسُكَ الَّذِي أَحْسَنَ إِلَيْكَ وَأَعَدَّكَ لِلْمُهْمَّاتِ.

والثاني: كُفْرُكَ لِإِحْسَانِهِ.

والثالث: إِضْرَارُكَ بِهِ فِي طَلَبِكَ.

والرابع: تَعَدْيُكَ عَلَى مَا لَيْسَ لَكَ مِنَ الْعِدَّةِ وَهِيَ السَّرْجُ وَاللِّجَامُ.

والخامس: إِسَاءَتُكَ عَلَى نَفْسِكَ بِتَعَاطِيكَ التَّوَحُّشِ الَّذِي لَسْتَ لَهُ أَهْلًا وَلَا لَكَ عَلَيْهِ

مقدرة.

والسادس: إِضْرَارُكَ عَلَى ذَنْبِكَ وَتَمَادِيكَ فِي غَوَايَتِكَ فَقَدْ كُنْتَ مُتَمَكِّنًا مِنَ الْعَوْدِ إِلَى

فَارِسِكَ وَالْإِسْتِقْبَالَ مِنْ فَرَطِ جَهْلِكَ قَبْلَ أَنْ يُوهِنَكَ اللَّجَامُ بِالْجُوعِ وَاللَّبَبُ وَالْحَزَامُ بِالضَّعْطِ.

Чўчка отга: "Гап буёқда эканда. Ана энди ҳаммаси менга аён бўлди. Сен гуноҳкорсан, албатта. Лекин сенга булар ҳозир кўринмаяпти. Менга маълум бўлдики, сенда олтита гуноҳ бор экан", деди.

Биринчиси: Сенга яхшиликлар қилган ва муҳим ишларга сен учун ҳозирлаб қўйган ҳожангни ёрдамсиз ташлаб кетибсан,

Иккинчиси: Уни қилган яхшиликларига ношукур бўлибсан.

Учинчиси: Сен ўзингни қидиртириб, уни қийнаб қўйибсан,

Тўртинчиси: Ўзингники бўлмаган юган ва эгар билан қочиб қолибсан.

Бешинчиси: Сен якка яшашга қудратинг етмаса ҳам ва бунга муносиб бўлмасанг ҳам, шу йўлни танлаб ўзинга-ўзинг тажовуз қилибсан,

Олтинчиси: Гуноҳларингда қайсарлик қилмоғинг, хатоларингда оёқ тираб турмоғингдир. Дарҳақиқат, бўйнинг ва белинга ўрнатиб қўйилган арқонлар сенга азоб бермасдан аввал, сен хўжайинингга қайтиб боришга ва қилмишларингдан кечирим сўраб қўйишга қодир эдинг.

فَقَالَ الْفَرَسُ لِلْخَنَزِيرِ: أَمَّا إِذَا عَرَفْتَنِي ذُنُوبِي وَأَيَقُظْتَنِي لَمَّا كُنْتُ ذَاهِلًا عَنْهُ بِحِجَابِ الْجَهْلِ
فَانْطَلِقِ الْآنَ وَدَعْنِي فَإِنِّي مُسْتَحِقٌّ لَأَضْعَافِ مَا أَنَا فِيهِ

От чўчкага: "Ана энди сен гуноҳларимни менга билдирдинг. Сен мендаги тўсиб қўйган нодонлик пардаларини йиртиб уйғотганинг учун мен каби гуноҳкорни ташлаб кетавер. Чунки мен бундай қийинчиликларнинг бир неча баробарига лойиқ эканман", деди.

فَقَالَ لَهُ الْخَنَزِيرُ: أَمَّا إِذَا اعْتَرَفْتَ وَفَطِنْتَ لِهَذَا الْعُذْرِ وَلُمْتَ نَفْسَكَ وَوَجَّهْتَهَا وَاخْتَرْتَ
لِنَفْسِكَ الْعُقُوبَةَ عَلَى جَهْلِهَا فَإِنَّكَ مُسْتَحِقٌّ أَنْ يُفَرَّجَ عَنْكَ

Чўчка: "Демак, сен гуноҳларингни эътироф қилаётган ва узр-маъзур айтишни англаб етган экансан, ўзингни койиб, танбеҳ берар экансан ва жазоларга тайёрман, деб турган экансан, бас айбларингни тан олганинг учун сен бу бало-ю, кулфатлардан очиқликка чиқишга ҳақли экансан.

ثُمَّ إِنَّ الْخَنَزِيرَ قَطَعَ مِنْهُ اللَّجَامَ وَالْحِزَامَ فَسَقَطَ السَّرْجُ وَفَرَّجَ عَنْهُ وَتَرَكَهُ وَانْطَلَقَ

Сўнг чўчка дарҳол тушов ва белбоғни узган эди эгар тушди ва ундан қутулди. Чўчка отни қолдириб, ўз йўли томон равона бўлди.

Қиссадан-ҳисса шуки, агар банда Аллоҳга ибодат қилиб, тоат-ибодатга машғул бўлмаса, Аллоҳнинг наҳий-мункарларидан қайтмаса, Аллоҳ бундай бандани балоларга гирифтор қилиб, ўз ҳолига таишлаб қўяди. Натижада, юқоридаги зарбулмасал каби ўзидан паст одамларга муҳтож бўлиб, ёрдам сўраб юради.